УШБУ СОНДА:
2 ИНТИЗОМ ВА ЖАВОБГАРЛИК
3 МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАР
4 “ҚАРС” ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ
УСТАСИ ФАРАНГ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 23 (429)
2005 йил
28 июн
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 25-МОДДА.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, заҳматкаш касб эгалари бўлмиш сиз, азиз журналистларни, нашриёт ва матбаа соҳаси фидоийларини, муҳтарам фахрийларимиз, кўпмиллионли муштарийларни бугунги катта байрам — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги шиддатли сурьатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув замонида ҳаётимиз тараққиётига — бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, одамларимизнинг давлатга, жамиятга ва ўзаро муносабатлари бўладими, янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор бўлиш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими — буларнинг барчасини оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Табиийки, бундай ҳолат журналист аҳлига, ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган ҳар қайси одамнинг зиммасига оғир, шу билан бирга, шарафли вазифа юклайди.

Агарки, XXI асрнинг ҳозирги кунда инсоният олдига қўяётган ўта кескин талабларини инобатга оладиган бўлсак, яъни давлат ва жамият ҳаётини ташкил этиш, жаҳон майдонидаги кучли рақобат, бозор иқтисодиёти тамойиллари, ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий технологиялар ҳар бир касб эгасидан юксак профессионал маҳорат ва доимий сафарбарликни тақозо этади.

Лекин дунёдаги энг машақкатли касблардан бири бўлмиш журналистика соҳасининг ўлчов ва мезонлари фақат шулар билан чекланмайди.

Нега деганда, журналист барча касб ва ҳунарларнинг ўзига хос хусусиятларидан, ташқи ёки ички сиёсат, иқтисодиёт ёки суд-ҳуқуқ соҳаси, маданият ёки тиббиёт оламида рўй бераётган, бир сўз билан айтганда, ҳаётда кечаётган кўп қиррали ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиши, ўқувчилар ва кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган долзарб ва устувор масалаларнинг негизига етиб боришга қодир бўлиши лозим.

Албатта, ҳар қандай журналист шу касбни танлар экан, ўз фаолияти давомида учрайдиган турли қийинчилик ва синовларни тасаввур қилиши, уларни енгиб ўтишга тайёр бўлиши керак. Ўткир қалами, ҳаққоний сўзи билан матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган оқсоқол журналистларимиз ҳаёти мисолида уларнинг ўз бурчини адо этишда баъзан қандай тўсиқларга, танқид ва тазйиқларга дуч келгани, адолат ҳимояси учун гоҳида ҳаловатдан воз кечиб, ҳатто тақдири хавф остида қолганини ҳам яхши биламиз. Кимгадир ёқадими-йўқми, лекин бу — ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқати.

Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-эътибор қозона олади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳақиқий журналист ким учун хизмат қилади, ким учун жонини жабборга беради, ким учун ҳаётини таҳдид остига қўяди?

Мана шу заҳматкаш халқ учун, унинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун. Шу юрт фарзандларининг ёруғ келажаги, бахту саодати учун. Шу табаррук тупроқ, шу муқаддас Ватан учун.

Мен барча матбуот ходимлари мана шу фикрни ҳеч қачон унутмасликларини истардим.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари бўлишга интилар экан, ҳақиқат ва холислик журналистиканинг доимий, ўзгармас қоидасига айланиши шарт.

Лекин, минг афсуски, ҳозирги пайтда дунёнинг турли жойларида матбуот воситалари аксарият ҳолларда айрим сиёсий кучларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қиладиган мафкуравий таъсир қуролига айланиб қолмоқда.

Биз бундай хуружларни яқинда Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари атрофида баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кўтарилган сохта шовшувлар, бўҳтон ва уйдирмалар мисолида ўз бошимиздан кечирдик. Шу ўринда яна бир бор айтиш керакки, аниқ бир марказ тарафидан ташкил этилган ва бошқарилган бу каби ахборот таҳдидлари мамлакатимизга четдан туриб таъсир ва тазйиқ кўрсатишга, бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтаришга уринишдан бошқа нарса эмас.

Ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазият ҳар қайси мустақил давлатдан ўз миллий манфаатларини нафақат сиёсий, иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан, балки информацион хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам қатъият билан ҳимоя қилишни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, матбуотимиз фаолиятида жаҳонда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларни теран таҳлил ва талқин қилиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни очиб беришда ҳалибери оқсоқлик сезилмоқда.

Айни пайтда бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлат ва жамият юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг орзу-интилишларини атрофлича ва кенг ёритиш, демократик қадриятларни одамлар онгига сингдириш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган куч ва ғояларга қарши курашиш борасида журналистларимизда қатъият ва шижоат етишмаётганини ҳам кузатиш мумкин.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш, матбуотимизни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун олдимизда турган энг долзарб масалалар бу мавжуд қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ.

Жамиятимизда том маънодаги фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглигига эришиш учун нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг йўлга қўйиш, жамоатчилик телеканалини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Шу борада оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоатчилик фонди тузилаётгани, Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йиллик олий журналистика курси ташкил этилгани, матбуот ходимлари фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг машаққатли ижодий меҳнатини муносиб қадрлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар яқин келажакда ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Сиз, оммавий ахборот воситалари ходимларини бугунги қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, кўпчилик юртдошларимиз, керак бўлса, кенг жамоатчиликнинг фикрини ифода қилиб айтадиган бўлсам, кейинги пайтда матбуотимизда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бераётганини, Ўзбекистон журналистларининг ўз профессионал маҳоратини намоён этиш, Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида билим ва тажрибаси, фаоллиги ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз деб биламан.

Мамлакатимиз матбуот аҳли келгусида ҳам бугунги замоннинг ўзи олдимизга долзарб этиб қўяётган марраларга эришиш йўлида ўз куч-ғайрати ва истеъдодини аямай меҳнат қилади, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар ва хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муносабат



Президент Ислом Каримов озодлик тонги отгач, халқ Руҳини тикланиш жараёнида ақидапарастликка асосланган бузғунчи оқимларни ҳаётимизга тиқиштиришга, ислом восита этилган сиёсий курашларга ва жамият ҳаётини бузиб ташловчи турли хил хавфу хатарларга қатъиян қарши турди.

Ўша нотинч ва беором кунлар мустақил ҳаётга энди қадам қўйган ёш давлат учун осон бўлган эмас. Мамлакатимизнинг жанубида ва шарқида уруш алангаси ловуллаб турар, бу олов чегара ошиб ўтиши, Ўзбекистонимизни ўз домига тортиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУНАВВАР ЙЎЛИ

“Ҳар бир ақли расо одам шуни англаб турибдики, айни кунларда Ўзбекистонда ақидапарастлик ва экстремизм ғолиб келадими-йўқми, деган ҳаёт-мамот масаласи ҳал этилмоқда”, — деб уқтиради Президент Ислом Каримов 1993 йилнинг мартида, чет эллик журналистлар билан бўлган мулоқотда ва яна таъкидлайдики, Ўзбекистон минтақада ашаддий ақидапарастликка асосланган ҳар қандай “таълимот”лар тарқатилишига қатъиян қарши туради.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган бемаъни уруш ўн миллионлаб инсонлар ҳаётини бузиб ташлаганига, зулм, муҳтожлик ва тажовуз одамларнинг тоқатини тоқ этганига, қирғин ва талон-тарож авж олган бир шароитда, бу ўлкаларда яна халқаро террорчилар тайёрланаётганига, агар аҳвол ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ҳадемай ижтимоий портлаш рўй бериб, **дунёни ларзага солишига эътиборни қаратади. Ва хорижий журналистларни навбатдаги ваҳшийликнинг олдини олиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга даъват этади.**

Масаланинг моҳияти шундан иборатки, 1979 йилнинг 27 декабрида совет қўшинлари Афғонистон ҳудудига бостириб киради, шу муносабат билан Америка Қўшма Штатлари, Саудия Арабистони ва Покистон 25 минг ёлланма жангаридан иборат хорижий исломий экспедициявий корпусни ўлкага сафарбар этади. Ҳеч балодан қайтмайдиган бу ёлланма жангарилар фаластинлик Абдулла Аззам бошчилигида “Мужоҳидларга хизмат мактаби” (ҳарбий база ва лагерлар) ташкил этиб, собиқ иттифоқ қўшинларига қарши ашаддий курашчилар тайёрлай бошлайди. Лекин орадан кўп ўтмай, Абдулла Аззам сирли бир вазиятда тажовуз қурбони бўлади, шундан сўнг қўпорувчилар тайёрлаш ишига саудиялик Усама бен Ладен раҳбарлик қилади. Ва худди шу кундан эътиборан, “Мужоҳидларга хизмат мактаби”даги ўқув ва амалиётга ақидапарастлик “таълимот”и асос қилиб олинади.

Афғонистонда ва унга туташ ўлкаларда 150 та ҳарбий база ва лагерлар иш юритган бўлса, бу жойларда ҳар йили 5 мингдан зиёд ашаддий жангари тайёрлаб чиқилган ва уларнинг қонқонига ақидапарастлик “таълимоти” сингириб юборилган.

Россиялик шарқшунос А. Игнатенко буни ақидапарастлар-толиблар альянси, *деб атайди.*

Олимнинг таъкидлашича, мазкур альянс, биринчи навбатда, ўтмишда ислом байроғи остида фаолият юритган жамики бузғунчи фирқа ва ҳаракатларни яна “оёққа қўйди”, айни пайтда, ўз Ватанида эл-юрт ғазабига учраган ва сиёсий ҳаётдан четга суриб қўйилган, жиноят содир этиб, жазодан қочган аламзада кучларни ўз атрофида жипслаштирди ва уларнинг қўли билан ўша бузғунчи “таълимот”ларни Марказий Осиё, Кавказ, Европа ва Австралияда жуда кенг ёйди.

Мусулмон ўлкаларда бу ҳаракатлар зоҳиран ақидапарастлик, “Ҳизбут таҳрир”, “Жамоати таблиғ”, “Ал-жиҳод ал-исломий”, “Ал-такфир вал ҳижрат” каби турли тоифалар шаклида намоён бўлса-да, аслида улар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, бироқ динга ихлоси баланд бўлган тажрибасиз ёшларни ўз домига тортиш ва мана шу ҳисобдан ақидапарастлар-толиблар альянсини янги кучлар билан таъминлашга хизмат этган.

Альянс жиловбардорлари эса, ҳаётга енгил қарайдиган, ҳақ тўланса, ҳар қандай хизматдан қайтмайдиган, арзон-гаров обрўэътибор ортидан қувадиган бу ёшларни ўзларининг ўқув базаларида “қайта тарбиялаб”, халифалик ўрнатиш ҳақидаги “таълимот” билан онги-шуурини заҳарлаган, мўмай доллар билан қувватлантирган ва ўз қўлларидаги ташвиқот ва террорчилик қуролига айлантирган.

Уруш ва қабоҳат ўтида тобланиб, балою офат манбаига айланган бундай террорчилар ўтган чорак аср давомида бутун мусулмон оламига ёйилди. Биринчи навбатда, улар ақидапарастлик “таълимот”и ҳисобига исломни “янгилаш”га ҳаракат қилишди. Шу билан бирга, дунёдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид сола бошлади, деб ёзади олим “Ислам и политика” *китобида.*

Маълумки, 1989 йилнинг 15 февралида собиқ иттифоқ ўнминглаб аскаридан, беҳисоб қурол-аслаҳа ва ҳарбий ускунасидан, иззат-ҳурматидан айрилган ҳолда ўз қўшинини Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетди.

Бу шармандали ҳолат, устига устак, собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши баъзи бир чет эллик сиёсатчиларда мутлақо янглиш тасаввур уйғотди. Афтидан, улар, мужоҳидлар бизнинг ёрдамимиз туфайли шундай қудратли давлатни “синдириб” ташлади ва оқибатда у ҳалокатга юз тутди, шундай бўлгач, нега энди, жаҳон харитасига янада жиддий ўзгартишлар киритишимиз мумкин эмас?! — деган хаёлга боришди.

1992 йилнинг 30 апрелида Покистоннинг ўша вақтдаги бош вазири Навоз Шариф Қобулга ташриф буюради. У мужоҳидлар ҳукуматини расман эътироф этади. Айни пайтда, Навоз Шариф, бизнинг қўллаб-қувватлашимиз билан мужоҳидлар Афғонистон, Эрон, Туркия ва Марказий Осиё мамлакатларидан иборат федерал иттифоқ ташкил этади, деб баёнот беради. (“Известия”, 1992 йил 1 майи).

Бу иддао йўлида мисли кўрилмаган саъй-ҳаракат қилингани кундай равшан ҳақиқатдир. Аввало илмсиз ёшлар “Ҳизбут таҳрир”, “Жамоати таблиғ” таъсирига олиниши янада кучайди. Шундан сўнг Наманганда жуда оғир жиноятлар содир этилди.

1996 йилнинг 3 апрелида, Қандаҳорда толибларг етакчиси мулла Умар амир ал-мўминин, яъни мўминлар ҳукмдори деб эълон қилинди. Шу йилнинг 30 октябрида толибларнинг “Тулуйи афғон” газетаси: “Бизнинг бирдан-бир мақсадимиз — ер юзидаги мусулмон мамлакатларни халифаликка бирлаштиришдан иборат” , - *деб эълон қилди.*

1997 йилнинг майида толиблар Мозори Шарифни ишғол этди ва мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларига таҳдид сола бошлади. Ўшанда улар, Самарқанду Бухорони босиб оламиз, кейинги намозни Бухорода ўқиймиз, деган расман баёнот беришди. Шундан сўнг, Қўқон хонлиги ўрнида ислом давлати тузамиз, Ўзбекистонда халифалик ўрнатамиз, деган даъволар янгради. Ва шу тариқа уруш ва қабоҳат хатари янада кучайди.

1999 йилнинг 16 февралида Президент ҳаётига суиқасд қилиш, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни босиб олиш мақсадида Тошкентда мудҳиш портлашлар содир этилди, 16 нафар беайб ва бегуноҳ инсон террорчилар ваҳшийлигининг қурбонига айланди. 128 нафар ватандошимиз эса, оғир жароҳат олди.

1999-2000 йилларда халқаро террорчилар Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудига суқилиб киришга ҳаракат қилди, улар 23 нафар чет эллик альпинист ва геологларни гаровга олиб, Бурчмулла ва Янгиободда, Сариосиё ва Узун туманларида кўпдан-кўп нотинчлик ва қонли босқинлар содир этишди. Тажовузкорларга қарши курашда халқимиз ўзининг асл фарзандларидан жудо бўлди.

2004 йилнинг баҳори ва ёзида Тошкент шаҳрида, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида, пойтахтдаги хорижий элчихоналар ва Бош прокуратура биноси олдида амалга оширилган ўзини-ўзи портлатишлар, шу йилнинг 13 майида Андижонда содир этилган мудҳиш тажовуз, унинг атрофида кўтарилган халқаро шов-шув, Ўзбекистоннинг халқаро обрўйига соя ташлаб, тинчлик ва осойишталикка, бегуноҳ инсонлар ҳаётига зиён-заҳмат етказишлар, уйдирма ва фисқу фасодлар, барча-барчаси мана шу қабиҳ ҳаракат кирдикорлари ва у қолдирган унутилмас жароҳатлар, десак, асло хато бўлмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil ko`zgusi

БОШ МЕЗОН – ХОЛИСЛИК

Хоразм вилоятида 72 та ширкат хўжалиги негизида янги фермерлик субъектларини вужудга келтиришга қаратилган сайъ-ҳаракатлар изчил амалга оширилди. Ташкил этилган 3367 та янги фермер хўжаликлари ўтказилган кенг кўламли ташкилотчилик ишларининг ёрқин намунаси бўлганига шубҳа йўқ. Бироқ катта йўл ҳамишаям бирдай текис ва равон бўлавермайди. Бу ҳолни кенг миқёсли тадбирлар, саъй-ҳаракатларда ҳам кўриш мумкин ва унга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

Катта миқёсдаги ушбу тадбир давомида айрим хато, суиистеъмолликлар, ўзи ва ўзгалар учун манфаат излаш ҳоллари ҳам кузатилди. Назоратталҳлил тадбирлари эндиликда юридик шахс мақомини олган фермер хўжаликларининг 62 таси қонунга хилоф ҳолда таркиб топгани, бошқача айтганда, танлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва қарорлар қабул қилишда бирмунча камчиликларга йўл қўйилганини кўрсатди.

Вилоят адлия бошқармаси жойлардаги танлов комиссиялари фаолияти юзасидан туман ҳокимлари номига 62 та тақдимнома жўнатди. 2 та қўпол қонунбузарлик ҳолати бўйича эса тегишли масъул-мансабдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатиш таклиф қилинди.

... Қадамбой Отамуродов Хива туманидаги “Оқ-ёп” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишласа-да, фермер хўжалиги ташкил қилиш ҳаракатига тушиб қолди. Гарчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ваколатига эга бўлмаса-да, танлов комиссиясига ариза ёзиб, ўз хусусий фермер хўжалигини ташкил этишга рухсат сўрайди. Б.Рўзиматов раислигидаги комиссия ҳам “ёшулли”га ён босади. Бунинг шарофатидан фуқаролар йиғини раиси қўшимча 14 балга эга бўлиб, танловнинг иккинчи босқичига йўл олади. Шу тарика собиқ ширкатнинг 7-бўлимида яшовчи О.Самандаров, 5-бўлимида яшовчи Э.Шеров ҳам комиссияга “МТЗ-80” русумли тракторга эга эканлиги ҳақидаги сохта маълумотномани тақдим қилишади. Бу эса фермерлар танловидан силлиққина ўтиб олиш гаровига айланади. Хуллас, собиқ ширкатни фермер хўжаликларига айлантиришда холисликка путур етади.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

ЯРАТУВЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодий тараққиётимизнинг кафолати, фаровон ҳаёт манбаи деб қараш, бу соҳа вакиллари ўз имконият ва салоҳиятларини тўлиқ рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитни яратиб бериш борасида беқиёс ишлар амалга оширилиб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Энг муҳими, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қиладиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилдики, бу амалда ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Ўтган ҳафтада давалатимиз раҳбарининг **“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур Фармонга мувофиқ жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари суд ҳокимияти томонидан қўлланиш тартиби жорий қилинади.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш, тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб варақлар бўйича амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятини айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш суд тартибида амалга оширилади.

Фармон қабул қилингунга қадар қайд этилган ҳуқуқий таъсир чораларининг аксарият қисми бевосита назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга ошириларди. Бу эса тадбиркорларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиш ва ноқонуний молиявий жарималарга тортиш, лицензияларни бекор қилиш каби масалаларни қўллашда турли хил қонунбузилиш ҳолларини юзага келтирарди.

Шунингдек, бундай вазиятда холисликни тўлиқ таъминлаш имкони бўлмасди. Чунки тадбиркорлик субъектини текширган назорат идорасининг ўзи жазо чорасини қўлларди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари бу жараёнларда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш учун адвокатлар хизматидан фойдаланиш имкониятига ҳам эга бўлмасди.

Президентимиз Фармонининг қабул қилиниши эса бир томондан, суд ислоҳотларини тўлиқ ҳажмда амалга ошишини таъминласа, иккинчи томондан, тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бевосита суд жараёнида ҳимоя қилиш баробарида, назорат идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳаракатига холис баҳо бериш имкониятини яратди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

ЯРАТУВЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК КАФОЛАТИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Энг муҳими, суд идоралари томонидан бундай таъсир чораларининг қўлланилиши ҳаётимизда ижтимоий адолатни қарор топтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Фармонининг 2-бандида ҳам тадбиркорлар учун муҳим янгилик ўз ифодасини топган. Жумладан, бундан буён тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат солиқ хизмати идоралари, агар текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти томонидан амалга оширилади.

Мазкур Фармон қабул қилинишига қадар бир корхонада, бир пайтнинг ўзида солиқ идоралари билан бирга Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти томонидан, бир хил масала бўйича текшириш ўтказиш мумкин эди. Бу эса табиийки, текширишлар сонини ўсиши, такрорийликнинг вужудга келиши, текшириш муддатининг асоссиз равишда чўзилиб кетиши ва охир-оқибат тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир қилишга олиб келарди.

Президентимиз Фармонида тадбиркорлар фаолиятида муаммо бўлиб келаётган ана шундай ҳолнинг оқилона ечими топилган. Яъни бу муҳим ҳужжат орқали текширишнинг асосий принциплари ҳисобланган қонунийлик, холислик ва ошкораликни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаолиятга асоссиз аралашишга чек қўяди.

Шуни айтиш керакки, муқобил текширишлар, фақат қўзғатилган жиноий ишлар юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисида қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш ҳақида назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатга эга идоранинг қарори мавжуд бўлгандагина, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, бундай текшириш жараёнида тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина текширишга йўл қўйилади, назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларидан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Назорат қилувчи идораларнинг раҳбар ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари доирасидан ташқари масалалар юзасидан ҳар қандай текшириш ўтказгани учун шахсан жавобгарлиги ва ҳатто жиноий жавобгарликкача тортилиши муқаррарлиги белгилаб қўйилди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: давлат идораларининг ноқонуний қарор ёки шу идоралар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар ким томонидан тўланади?

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунга қадар бундай зарар аксарият ҳолларда зарарни етказган давлат идораларига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан қоплаб келинган.

Бунинг натижасида бирор-бир мансабдор шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки давлат идорасининг ноқонуний қарори учун бевосита айбдор шахслар ёки идоралар эмас, балки давлат жавобгар бўлиб қолаётган эди.

Президентимиз Фармони бу масалага ҳам тўлиқ ойдинлик киритди. Яъни, бундан буён зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўлиқ ҳажмда, бевосита ана шу давлат идоралари, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши, шунингдек, суд қарори билан айбдор идораларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда юкланди.

Бу эса эски маъмурий-тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти кафолатини таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, илгари тадбиркорлар ўртасида юзага келадиган хўжалик низолари фақат хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этиларди.

Энди бу борада ҳам тадбиркорлар учун муҳим имконият яратилди. Яъни бундан буён тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низоси хўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлар суди томонидан ҳам кўриб чиқилади. Аниқроқ айтганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимида алоҳида бир институт — ҳакамлар суди ташкил этилади.

Ҳакамлар судини ташкил этилиши эса тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни ҳал қилишни соддалаштириш билан бирга ортиқча оворагарчилик, асаббузарлик ва қоғозбозликка чек қўяди.

Шунингдек, ҳакамлар судининг ташкил этилиши ҳаётимизнинг янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Президентимиз Фармони мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган эътибор, уларнинг эркин фаолият кўрсатиш, ўзларининг бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун яратилаётган имконият ҳамда шарт-шароитнинг яна бир кўринишидир.

Акбар АБРАЕВ

Muloqot

ТОВАР ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БОШҚАСИГА АЛМАШТИРИЛАДИ?

Яқинда дўкондан телевизор сотиб олган эдим. Аммо уйга олиб келгач, унинг сифати оила аъзоларимга маъқул тушмади. Энди уни бошқасига алмаштирсам бўладими? Айтингчи, қандай ҳолларда товар бошқасига алмаштириб берилади?

Баҳриддин УМАРОВ,
Деҳқонобод тумани

—"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 48-моддасига кўра, истеъмолчи маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши, тузилиши, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) маҳсулотга етти кунлик муддатда, маҳсулот сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса истеъмолчи талаб қўйган пайтдан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Демак, сизнинг ҳам товарни бошқасига алмаштиришга қонуний ҳаққингиз бор.

КАФОЛАТ МУДДАТИ

Мен шаҳардаги дўконлардан биридан музлатгич сотиб олдим. Албатта, сотувчи чек, кафолат муддати тўғрисида ҳужжат берди. Аммо музлатгичнинг ҳужжатларида кафолат муддати қачондан бошланиши кўрсатилмаган. Аслида кафолат муддати қачондан бошланади?

Бекзод РАҲИМОВ,
Коғон шаҳри

— Бу саволга ҳам "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонундан жавоб топиш мумкин. Жумладан, мазкур қонуннинг 11-моддасига биноан, кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Савол-жавобларни Ғайрат САТТОРОВ тайёрлади.

НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунга мувофиқ пенсияни ҳисоб-китоб қилишда исталган 5 йиллик иш ҳақи инобатга олинади, дея эшитдим. Шу тўғрими? Бундан ташқари, ногиронлик пенсиясини тайинлашда ҳам шундай йўл тутиладими?

Б.ОДИЛОВ,
Гулистон шаҳри

— Таъкидлаш ўринлики, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунда 5 йиллик иш ҳақи борасида ҳеч бир тартиб-қоида назарда тутилмаган. Энди ногиронлик пенсиясини тайинлаш тартиб-қоидаларига тўхталадиган бўлсак, меҳнат жараёнида ногирон бўлиб қолган ёки касалликка учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар, тайинланади. Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидаги иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади.

1) 23 ёшга қадар — 2 йил иш стажи
2) 23 ёшдан 26 ёшга қадар — 3 йил иш стажи
3) 26 ёшдан 31 ёшга қадар — 5 йил иш стажи
4) 31 ёшдан 36 ёшга қадар — 7 йил иш стажи
5) 36 ёшдан 41 ёшгача — 9 йил иш стажи
6) 41 ёшдан 46 ёшгача — 11 йил иш стажи
7) 46 ёшдан 51 ёшгача — 14 йил иш стажи
8) 51 ёшдан 56 ёшгача — 17 йил иш стажи
9) 56 ёшдан ва ундан ошганда — 20 йил иш стажи.

СУД ҲАЛ ҚИЛАДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Коғон туманлараро суди суд мажлисида менинг иштирокимни таъминламасдан никоҳимизни бекор қилди. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтаётганига қарамай эрим (у Бухоро туманидаги Шеҳон қишлоғида яшайди) на мол-мулкимни беряпти, на болаларимга алимент тўлаяпти. Бундан ташқари, 1995 йилда туғилган қизим эрим билан қолган. Айтингчи, фарзанднинг ота ёки онада қолишини суд ҳал қиладими ёхуд фарзанднинг ўзи танлайдими?

Барно ҚУРБОНОВА,
Нишон тумани

— Аввало шуни айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича Коғон туманлараро суди Фуқаролик-процессуал кодексининг моддаларига асосан сизнинг иштирокингиз билан иш кўриши керак эди. Мол-мулк ва алиментни ундириш бўйича шу туманнинг фуқаролик судига мурожаат этасиз. Энди фарзандингизнинг кимда қолиши масаласига келсак, буни суд ҳал этади. Жумладан, Оила кодексининг 44-моддасига асосан, никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалалар ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек, бирининг манфаатларга зид эканлиги аниқланган тақдирда суд;

- никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;
- вояга етмаганларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорида алимент ундирилишини аниқлаши;
- эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;
- эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган эр (хотин)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Саволларга ҳуқуқшунос С. НИЁЗОВА жавоб берди.

Shartnoma qonunchiligi

ИНТИЗОМ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Мамлакатимизда 2005 йил учун давлат эҳтиёжига уруғлик ва товар дон етказиб бериш бўйича 69 мингдан ортиқ, шундан фермер хўжаликлари билан 67 мингдан ортиқ контрактация шартномалари тузилди.

Булар Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 9 сентябрда 5362/5-сон билан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган шартномаларга ҳар томонлама мос. Мазкур ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган шартномада тарафларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, уларнинг мулкий жавобгарлиги, ҳисоб-китоб қилиш, низоларни ҳал қилиш, форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш тартиби аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Айниқса, тайёрловчи ташкилот ва хўжаликларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шартнома мажбуриятини бажармаган, шартнома интизомини бузган тарафга жавобгарлик муқаррарлиги белгиланди. Хусусан, тайёрловчига экиш учун шартномада кўрсатилган экин тури уруғлигини хўжалик томонидан берилган буюртманомада кўрсатилган муддатда ва миқдорда етказиб бериш, хўжалик томонидан етказиб берилган донни қабул қилиш, сифатини аниқлаш, ушбу шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги тегишли давлат андозалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш каби мажбуриятлар юклатилди. Хўжалик зиммасида эса уруғликни қабул қилиб олиш, шартномада кўрсатилган миқдор, нав ва сифатдаги маҳсулотни тайёрловчига жорий 2005 йилнинг 20 августигача, лалмида 1 сентябргача етказиб бериш, олган маблағдан маҳсулот етиштириш учун мақсадли фойдаланиш мажбурияти мавжуд.

Хўжаликлар томонидан етиштирилган донни ўз вақтида ва сифатли йиғиб олиш ва топшириш контарктация шартномасининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу контрактация шартномаларининг бажарилишида фермер хўжалиги билан тузилган бошқа шартномаларнинг ижроси ҳам муҳим аҳамиятга касб этади. Шунинг учун хўжаликлар билан дон ўриш ва ташиш бўйича тузилган шартномаларнинг тузилиши ва бажарилишини ҳам назоратга олиш лозим. Бу борада ҳам Адлия идоралари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга механизация ёрдамида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан шартнома" лойиҳаси 181-сон билан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Мазкур шартнома асосида дон ўриш юзасидан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва хўжаликлар ўзаро муносабатга киришади.

Ушбу шартномада буюртманома механизми асосида хизматлар бажариш, буюртманома бериш, уни бекор қилиш, хизмат кўрсатиш санасини ўзгартириш, хизматлар кечиктириб бажарилганда ёки умуман бажарилмаганда, шунингдек, хизматлар етарли даражада ва сифатда амалга оширилмаганда ва бажарилган хизматлар учун ўз вақтида ёки умуман ҳақ тўланмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, кўрсатилган хизматлар нархи ва хисоб-китоб қилиш тартиби тўлиқ кўрсатиб ўтилган.

Хўжаликлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши бир томондан маҳсулотни шартномада белгиланган манзилга ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Шу боис ушбу муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Юк ташиш ҳақида"ги шартноманинг намунавий лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 майда 2622-сон билан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ушбу шартномада ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг мулкий жавобгарлиги тўлиқ ва аниқ қилиб белгилаб берилди.

Хуллас, давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузган ва уларга хизмат кўрсатиш, моддий ресурслар билан таъминлаш бўйича шартномалар имзолаган ҳар бир тараф ўз мажбуриятини шартномада кўрсатилган даражада бажариши лозим. Улар томонидан ўз бурчига виждонан муносабатда бўлиш – пировард натижада дон етказиб бериш бўйича шартномалар бажарилиши, давлатимизда дон хирмонини юксак даражага етиши, дастурхонимизни тўкин-сочин бўлиши ва ғалла мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишини таъминлаш кафолатидир.

Ўрол ОСТОНОВ,
ҳуқуқшунос

«Феруз» номли фермер хўжалигимиз 2003-2004 қишлоқ хўжалик йилларида ғалла ва пахта тайёрлаш шартномавий режаларини ошиғи билан бажарди. Фермер хўжалиги раҳбари сифатида 2003 йилнинг ноябр ойида «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ҳамда маҳсулотни қайта ишловчи Жиззах «Жибри» қўшма корхонаси билан уч томонлама шартнома тузгандим. Шартномага кўра, «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамияти биз топширган пахта хомашёсидан олинадиган 6 минг 400 килограмм техник чигитни 2004 йилнинг 1 август кунигача қўшма корхонага етказиб бериши керак эди. Аммо бу иш пайсалга солинди.

Бундан ташқари, «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамияти 2 миллион 88 минг 548 сўм қарзини ҳалигача ҳисоб рақамимизга ўтказиб бермаяпти.

Мен корхона раҳбари О.Холйигитовга кўп марта учрашдим, бироқ натижа чиқмади. Фермер хўжалигининг манфаатини ҳимоя қилиб, амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

«Феруз» фермер хўжалиги раҳбари З.ПЎЛАТОВ».

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОРТИДАГИ САРСОНЧИЛИК

АСЛИДА НИМА БЎЛГАН ЭДИ?

Жиззах туманидаги Алишер Навоий номидаги Агрохизмат маркази ҳудудида жойлашган «Феруз» фермер хўжалиги раҳбари Зариф Пўлатовнинг аризаси юзасидан вилоят адлия бошқармаси ходимлари суриштирув ўтказишди. Маълум бўлишича, 2003 йил 28 ноябрда фермер хўжалиги «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ҳамда «Жибри» қўшма корхонаси ўртасида хўжалик ихтиёридаги пахта хомашёсидан олинадиган техник чигитни етказиб бериш, уни қабул қилиш ва саноат йўли билан қайта ишлашдан олинган пахта ёғи, шелуха ҳамда шротни хўжаликка қайтариб бериш бўйича 190-сонли шартнома имзолашган. Пахта тозалаш акциядорлик жамияти фермер хўжалигининг 2003 йилда етказиб берган пахта хомашёсидан олинган 6 минг 400 килограмм техник чигитни қайта ишловчи корхона саналмиш «Жибри» қўшма корхонасига 2004 йилнинг 1 августига қадар етказиб бериши керак эди. Бу юқорида қайд қилинган шартноманинг 2-бўлим, 2.1 бандида белгиланган.

Эътибор бериб қарасанг, фермер ўзининг шартномавий мажбуриятини белгиланган тартибда бажарган. Яъни пахта хомашёсини «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамиятига етказиб берган. Бундан ташқари, фермер «Жибри» қўшма корхонасига маҳсулотни қайта ишлаб бериши учун 2004 йилнинг 17 ноябрида 855 минг сўм пул маблағини кўчирган. Ана шу маблағ шартномада кўрсатилган бўлиб, у қўшма корхонанинг хизмат ҳақи ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг раҳбари Зариф Пўлатовнинг куйинганича бор. Агар пахта тозалаш акциядорлик жамияти мутасаддилари шартномада лафз қилганидек, пахтадан чиққан чигитни қўшма корхонага ўз вақтида етказиб берганда фермер хўжалиги мазкур чигит ҳисобига ўзига тегишли бўлган маҳсулотларни олган, юқорида қайд қилинган 855 минг сўм маблағ эса «Жибри» қўшма корхонаси ҳисобида узоқ кредитор қарз сифатида сақланиб қолмаган бўларди.

Фермер хўжалигининг иккинчи даъвоси шуки, у ўтган йили тайёрловчи «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамиятига 31,5 тонна пахта хомашёси етказиб берган. Ана шу хомашёнинг қиймати 6 миллион 270 минг 987 сўмни ташкил этган. Тадбиркор мурожаатини ўрганиш жараёнида пахта хомашёсининг саксон фоизлик қиймати 4 миллион 743 минг 516 сўмни ташкил этиши аниқланди. Пахта тозалаш акциядорлик жамияти ана шу тўловдан 2 миллион 654 минг 968 сўмини тўлаган. Қолган 2 миллион 88 минг 548 сўм маблағ эса тўланмасдан келган. Аслини олганда, томонлар ўртасида 2004 йилнинг 11 августида имзоланган 139-сонли контрактация шартномасида етказиб берилган маҳсулот қийматининг саксон фоизи маҳсулот топширилгандан сўнг етти кун муддат ичида тўлаб берилиши белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, акциядорлик жамияти мутасаддилари шартнома мажбуриятларини қўпол равишда бузишган.

Qonun ko`magi

НАТИЖА

Вилоят адлия бошқармаси «Феруз» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Унда «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ҳисобидан фермер хўжалигига пахта хомашёсининг 80 фоизлик тўловидан қолган 2 миллион 88 минг 548 сўм асосий қарз, тўловни кечиктирганлик учун 1 миллион 44 минг 274 сўм устама, шунингдек, жамият ҳисобидан ўз вақтида етказиб берилмаган 6 минг 400 килограмм техник чигит учун жарима ундиришни сўради. Бундан ташқари, даъво аризада пахта тозалаш акциядорлик жамияти мансабдор шахсларининг қонун ва шартномада кўрсатилган тартибда жавобгарлик масаласини ҳал этиш ҳам сўралди.

Вилоят хўжалик суди ишни кўриб чиқиб, жавобгар — «Учтепа пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ҳисобидан «Феруз» фермер хўжалиги фойдасига 2 миллион 88 минг 548 сўм асосий қарз, 735 минг 911 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Акциядорлик жамияти зиммасига 855 минг сўмлик техник чигитни «Жибри» қўшма корхонасига етказиб бериш мажбуриятини юклади.

Шунингдек, хўжалик суди даъво талабидан келиб чиқиб, пахта тозалаш акциядорлик жамияти раҳбари О.Холйигитовга юқоридаги камчиликларга йўл қўйилгани учун лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарлик чорасини қўллашни сўраб вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси номига тақдимнома киритди. Жамият бош ҳисобчиси Э.Пўлатовни моддий жавобгарликка тортиш ҳақида хусусий ажрим қабул қилди.

Газетхонларимизда «хўш, муаммо ҳал бўлган экан, мақола ёзиш шарт эдими», деган савол туғилиши мумкин. Бизнинг назаримизда, юқоридаги ҳодиса келгусида кимларгадир сабоқ бўлиши керак. Ахир, масъулиятсизлик оқибатида рўй берадиган пушаймонликни олдини олишнинг ягона йўли шу. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Собиржон ЭРГАШЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil ko`zgusi

БОШ МЕЗОН – ХОЛИСЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бундан "ўринли" фойдаланган яна бир фуқаро Э.Рўзиматов ҳам комиссияга "ДТ-75" ҳамда "МТЗ-80" русумли тракторларга эга эканлигини тасдиқловчи қалбаки ҳужжатларни тақдим этиб, қўшимча равишда 11 балл тўплашга эришади. Табиийки, бундай сохтакорликка бефарқ қараб бўлмайди. Мутасаддиларнинг қулоқшундан чиққан фаолияти ва бунинг оқибатида содир бўлган ножўя ҳолатлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар жиноят иши қўзғатиш учун тергов идорасига юборилди.

Хазорасп тумани ички ишлар бўлими терговчиси Д.Эшёзов, тумандаги "Овшар", "Амударё", "Алоқали кўл" фуқаролар йиғинлари раислари Э.Аниёзов, Б.Ваисов, Р.Матназаров танлов комиссияларини чалғитиш, фактлар ва маълумотларни бўяб кўрсатиш йўли билан фермерлик мақомига эришган. Айни шундай манзара афсуски, Боғот туманида ҳам кузатилди. Танлов комиссиялари томонидан турли бошқарув идораларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаган Эргаш Хўжаков, Матназар Раҳмонов, Исмоил Ҳамроев, Пўлат Матниёзов, Николай Маткаримов, Қодир Ражабов, Эргаш Бекчонов, Ўктам Эрназаров ва бошқаларга фермерлик имкони яратиб берилгани ноўрин ҳотамтойлик сифатида баҳоланди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ экин майдони 10 гектардан кам бўлган хўжаликларга (агар улар пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида фаолият юритаётган бўлса) қўшимча ер участкалари танловсиз ажратиб берилиши шарт. Бунда экин майдонлари 10 гектардан ортса, қўшимча ер ажратиш ҳақидаги масала танлов йўли билан ҳал этилади. Бироқ Ҳазорасп туманидаги бир қатор фермер хўжаликларига қўшимча ер майдонларини ажратиш чоғида ушбу тамойилга амал қилинмади. Муқаддам экин майдонлари 10 гектардан кам бўлган "Дўстлик" фермер хўжалигига қўшимча равишда ажратиб берилган 34,7, "Ал-Араб" фермер хўжалигига 30,2, "Зарбдор" фермер хўжалигига 25,1, "Истиқлол" фермер хўжалигига 11,9, "Фарҳод" фермер хўжалигига 14,4, "Одил" фермер хўжалигига 16,4 гектар ер майдонлари танловсиз тортиқ этилган.

Шовот туманидаги К.Раҳимов номидаги ширкат хўжалигини тугатиш ва унинг негизида фермер хўжаликларини тузиш комиссиясини бошқарган Кенжа Тожиевнинг қилмиши эса ҳаммасидан ошиб тушди. У мазкур хўжаликнинг 67 участкаси бўйича танлов ғолиби И.Жуманиёзовни ердан маҳрум этиш учун ғаройиб усул ўйлаб топди. Раис талабгорнинг танловда ютиб олган ерини ҳали ташкил этилмаган муқобил машина-трактор парки (МMTП)нинг ихтиёрига ўтказиш билан масалага жўнгина нуқта қўйди. Бунинг устига «баъзи нозик масалалар»да одамлар уни ажойиб "ҳотамтой" қиёфасида ҳам кўришган. Чунончи, амалидан фойдаланган ҳолда "Шовотдон" акциядорлик жамияти ҳисобчиси К.Шарипова ва туман ҳокимлиги масъул ходими Б.Қуриёзовга ҳиммат кўрсатиб, уларга фермер хўжалиги ташкил этиш имконини яратган.

Албатта, қонун бу каби қилмишларни кечирмайди. Бу масала юзасидан тўпланган материаллар жиноят иши қўзғатиш учун тергов идораси ҳукмига ҳавола этилди.

Хонқа туманида тугатилаётган ал-Хоразмий номидаги ширкат хўжалиги танлов комиссияси аъзоси Сергей Пак эса фермерлар танловида ўзига-ўзи баҳо қўйишдек «ноёб имтиёз»ни қўлга киритди. Табиийки, у бу жараёнда ўзининг асосий рақиблари: С.Қурвонқулов, Г.Алимов, Н.Нурқобиловнинг курагини ерга теккизди. Лекин барибир қонундан устун келолмади. Комиссиянинг устомон аъзоси фаолиятига "муносиб" баҳо берилди. Тумандаги собиқ "Хоразм" ширкат хўжалигининг 109-контурини ташкил этувчи 13,8 гектар ер майдони эса танлов чоғи чиндан ҳам аросатда қолди. Танлов комиссияси мазкур ер майдонини тўлиқ баҳс ғолиби М.Собировнинг тасарруфига бериши керак эди. Лекин комиссия раисининг хоҳишига биноан ушбу ер майдонининг 5,2 гектари асоссиз равишда унинг танловдаги рақибига инъом этилди. Аслида битта контурга жойлашган ерни икки ва ундан ортиқ шахснинг ихтиёрига бериш тартиби танлов қоидасида қайд этилмаган. Афсуски, бундай қонунбузилиш ҳолати ягона эмас. Бундай ғалати "ўйин" хўжаликнинг 101-контури бўйича ўтказилган танловда ҳам кузатилди. Маълум бўлишича, жами 19 гектардан иборат бўлган ушбу контурнинг 12 гектари танлов ғолиби А.Собировга, 7 гектари эса баҳсда ютқазиб қўйган А.Шариповга инъом этилган. Албатта, бундай нохолис танлов қонун йўли билан бекор қилинди. Ер ўзининг ҳақиқий эгаси — танлов ғолибига берилди. Бироқ мазкур ширкат хўжалигида қисқа фурсат фаолият юритган комиссиянинг қонунга хилоф ишлари фақат бу билан ҳам тугамайди. 94-контурга даъвогарлик қилган А.Оллаберганов танлов чоғи барча саволларга тўлиқ жавоб қайтарсада, комиссия буни инобатга олмай, унинг балларини атай пасайтирган. Оқибатда А.Оллаберганов ўз рақибидан анча ортда қолиб, имкониятни бой берган. Ушбу масалага ҳам қонуний баҳо берилди. 105-контур бўйича ўтказилган нохолис танлов ҳам қонун кўмагида адолатли якун топди. Ўз билими ва имкониятларига кўра эмас, балки комиссия "хоҳиши"га биноан рақиби К.Дурдиевга ютқазиб қўйган фуқаро Б.Ҳайитовнинг қонуний ҳуқуқи қайта тикланди.

Яна шуни айтиш керакки, танлов жараёнларини кузатиш чоғида ҳужжатлардаги хато ва чалкашликларга ҳам кўплаб дуч келинди. Гурлан туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигида яшовчи Ж.Жуматов танлов комиссиясига ўзининг имзосиз аризасини тақдим этишга муваффақ бўлади. Комиссия котиби эса бунга ҳатто эътибор ҳам бермайди. Оқибатда, яроқсиз қоғоз расмий ҳужжат мақомини олади. Шу аснода яна бир қўпол хатога йўл қўйилди. Ж.Жуматов ўзининг банкдаги маблағини тасдиқловчи омонат дафтарча нусхасини тақдим этмаган бўлса-да, комиссия уни қўшимча баллар билан "сийлайди". Мазкур комиссия тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 2 та трактор учун яна бир даъвогар Р.Дўсимовга ҳам қўшимча 10 баллни "инъом" этганига эса ачинмасликнинг иложи йўқ.

Урганч туманидаги собиқ "Дўрмон" ширкат хўжалигининг 146, 148, 150-контурлари учун ўтказилган танловда ғолиб чиққан Ю.Хўжақов эса 3,5 гектар ерга бўлган эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилган. Унинг тасарруфига ўтиши зарур бўлган ушбу майдон ўзбошимчалик билан бошқа бир шахсга бериб юборилган.

О.Қурбонов номидаги ширкат хўжалигининг 32 гектардан иборат 2 участкасига бир йўла икки киши — фуқаро А. Рўзимов ва Ш.Саидов даъвогар бўлишган. Ш.Саидов танлов ғолиби сифатида эътироф этилган. Бироқ ер унга насиб этмаган. 32 гектарлик даланинг 11 гектарини танловда ютқазган А.Рўзимов эгаллаган. Аммо айрим факт ва далилларга қараганда, у ноҳақ эмас. Айтишича, танловда у ғолиб чиққан. Комиссия айнан шунисидан чўчиган ва шикоятга йўл қўймаслик мақсадида ернинг бир қисмини унга бериб қўя қолган. Шикоятчининг бу фикрини ҳақиқатдан йироқ деёлмаймиз. Ҳар қалай айни кезларда ўтказилаётган текширув масалага тўлиқ ойдинлик киритиши шубҳасиз.

Таъкидлаш зарурки, тилга олинган хато ва камчиликлар, қонунбузилиши ҳоллари шундайлигича қолиб кетгани йўқ. Бугунги кунда уларнинг деярли бари бартараф этилди. Лекин бу ҳам асосий натижа эмас. Энг катта ютуқ вилоят деҳқончилик саноати мажмуини ислоҳ қилиш — ёппасига фермерлаштиришга қаратилган давлат режа-дастурининг муваффақиятли бажарилганидир. Бунинг шарофатидан фермерлик вилоят қишлоқ хўжалигининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, таянчи ва суянчига айланди. Дилдаги эзгу иштиёқ, жўшқин яратувчилик ҳисси, қонун ва ҳуқуқий меъёрлар турмушимиз мезони, ҳаётимиз ҳамроҳига айланар экан, ушбу ҳаракат ҳеч вақт завол топмайди. Равнақ ва барқарорлик мамлакат ижтимоий ҳаётининг ёрқин жиҳатига айланади. Шундай экан, ушбу мўътабар жабҳа турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар, хато ва қусурлардан буткул холи бўлмоғи лозим.

Омонбой ОЛЛАЁРОВ,
ҳуқуқшунос

Munosabat

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУНАВВАР ЙЎЛИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Халифапарастлар ҳаётимизни бузиб, Ўзбекистонни уруш гирдобига тортишга, мамлакатни вайрон этиб, жаҳолат қаърига итқитиб ташлашга қаттиқ ҳаракат қилиб келишди. Ва ўз навбатида беайб инсонлар умрига зомин бўлишди.

Бегуноҳларнинг тўкилган қони, етим қолганларнинг кўзларидаги ёш у дунёю бу дунё золимларга тинчлик бермайди. Халқнинг қарғишидан, Аллоҳнинг ғазабидан ҳеч ким қочиб қутулган эмас. Қонхўрлик жазосиз қолмайди.

Ҳиндистонлик журналист Рамтану Маитра Андижон воқеалари Ўрта Осиёни қайта "бўлиб олиш" ҳаракати, дейди. Аслида бу ҳаракат тўқсонинчи йилларда бошланган эди.

— Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади, — дейди Президент Ислом Каримов, шу муносабат билан. — **Вазият шундай келдики, мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга ва ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлди.**

Ҳақиқатдан ҳам, агар, биз бугун, бу даврни бутун чигаллиги, ўнглаш қийин бўлган мураккаблиги билан яхлит ҳолда кўз олдимизга келтирсак, ўша бесаранжом йиллар Ўзбекистон раҳбари учун осон бўлмаганини, мамлакат кулфат ва жар ёқасида асраб қолинганини тасаввур этишимиз қийин эмас.

Қаранг, иқтисодий танглик ва машаққатлар, миллатлараро низою қонли тўқнашувлар, «демократия тўфон"лари ашаддий тус олган, эҳтиролар денгиз каби тошаётган қалтис ва ҳалокатли бир вазиятда, Ўзбекистон уруш ва терроризм, вайронкорлик ва бузғунчилик балосига қатъиян қарши турди, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун сабот ва матонат билан изчил кураш олиб борди.

Халқимиз, давлатимиз раҳбари бошчилигида, мўътабар динимизни, азалий исломий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб қолмай, ўғил-қизларимиз, келажагимиз, тинчлигимиз ва осойишталигимизни уруш ва ёвузлик алангасидан мардона ҳимоя қилди.

Шу билан бирга, ўзидан ортиб, жафокаш қўшнилари дардига малҳам бўлди ва уларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш учун сабот ва матонат билан курашди. Зеро, бу кураш тилдан-тилга ўтиб, асрлар оша яшайдиган бутун бир тарихни ташкил этади.

Бу кураш жуда кескин тус олган ўша оғир йилларда, исломий қадриятларни эъзозлаш борасида кенг кўламли, мумтоз ва мўътабар шундай қутлуғ ишлар амалга оширилдики, бугун биз уни башариятга ҳар қанча кўз-кўз қилсак арзийди.

Бухорий ва Нақшбанд, Ғиждувоний ва Термизий, Мотуридий ва Марғиноний, Замахшарий ва Ҳамадоний, Дорамий ва Паҳлавон Маҳмуд, Амир Кулол ва Занги ота, Шайх Ховандитоҳур ва Қосим Шайх, шунингдек, Гўри Амир ва Чор Бакир каби кўплаб муқаддас қадамжоларни бир кўз олдингизга келтиринг. Бугун ниёзмандлар дарё мисоли оқиб келаётган бу ғоят муҳташам ва обод зиёратгоҳлар куни кеча хорликка юз тутиб ётгани рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Халқимиз даҳоси билан яратилган Самарқанду Бухоро, Шаҳрисабзу Хива шаҳарларидаги Шоҳизинда, Регистон, Масжиди Калон, Мир Араб, Шердор, Муҳаммад Аминхон мадрасаси каби қанчадан-қанча мумтоз обидаларга қайта ҳаёт бахш этилди ва улар Бутунжаҳон маданий меросларидан ўзига муносиб ўрин олди.

Орадан минг йилча вақт ўтиб, Маъмун академияси яна қайта қад ростлади ва замон уламолари улуғ ниятлар билан тавсирлар яратмоққа бошладилар...

"Мен, Ўзбекистон тарихидаги шу каби олижаноб ишларни, халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом динини асраш ва ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истар эдим", - дейди Президент Ислом Каримов.

Бу ишлар зулматни чақмоқдек тилиб юборган бир тарихий ҳикматни ёдга солади. Ўз вақтида Чингиз қўшинлари бутун дунёга даҳшат солди. Босқинчилар Мовароуннаҳр аҳлини қўйдай бўғизлаб, шаҳару қишлоқларга ўт қўйди. Оламни қоп-қора тутун қоплади. Шунда одамлар: "Ер юзида мўғулдан бўлак ҳеч ким қолмади, бу зулмат тарқалиб, осмону фалак яна ёришармикан ёки шу билан қиёмат қоим бошланиб кетармикан?" *- деб ўйланиб қолди.*

Мўғуллар Банокатда қаршиликка учрагач, шу қадар қутуриб кетдики, истеҳкомни ёриб қалъа ичига киргач, ҳатто бешикдаги чақалоқларни ҳам қиличдан ўтказди. Шаҳарда тирик жон қолмагач, уни талон-тарож этиб, ўтда ёқишди.

Банокат харобалари бир ярим аср давомида мўғуллар золимлигини ёдга солиб, юракларда даҳшат ва саросима уйғотиб турди.

Ва, ниҳоят, Соҳибқирон Амир Темур юртни зулмдан халос этгач, бу ўлик қалъа ўрнида обод ва кўркам бир шаҳар бунёд қилди, миллатнинг, мамлакатнинг қаддини кўтариб, дунёнинг ярмига ислом динини ёйди ва уни янада қувватлантирди. Шу боис, у саккизинчи юз йилликда дини Муҳаммадийга равнақ берган бир мислсиз раҳнамо сифатида ислом улуғлари қаторидан ўрин олди ва Қутбиддин *деган юксак шарафга сазовор бўлди.*



Бу нурли сиймо Аллоҳ азиз этган Ҳазрати Айюб, Шаҳзода Қусам ибн Аббос, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳазрати Занги ота, Шайх Шамсиддин Кулол каби беназир зотлар хоки покида муҳташам мақбаралар барпо этди, шу билан бирга, мулки давлатида сокин бўлган Ҳазрати Али, Имом Ҳусайн, Салмон Форсий, Имом Абу Ҳанифа, Шайх Абдулқодир Жилоний, Имом Мусо Козим, Имом Али ибн Мусо, Имом Муҳаммад Тақи каби ўтган азизлар қадрини янада зиёда этиб, мўътабар зиёратгоҳларини доимо обод сақлашга алоҳида эътибор қилди ва улуғлик мақомига муносиб назру вақфлар тайин этди.

"Мовароуннаҳр Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадан кейинги азиз ва мўътабар юрт, ислом динининг иккинчи ватанидир, - *деб ёзади "Покистон обсервер" газетаси.* - Чунки айнан шу замин муқаддас динимиз қувват олиб, янада кенг ёйилишида иккинчи манба бўлган" *(1998 йилнинг ноябри).*

Ҳа, Ўзбекистон замини ғоятда азиз ва мўътабардир. Зеро, у ҳадис илмида мўминлар амири дея шарафланган Имом Бухорийнинг, Аллоҳнинг кўшниси, олам аҳлининг устози дея эъзозланган Абул Қосим Замахшарийнинг, жаҳон аҳлининг улуғи деб ардоқланган Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг, ҳақ йўлида ҳидоятга бошловчи Имом Абу Мансур Мотуридийнинг, исломиятнинг юлдузи бўлмиш Шайх Нажмиддин Кубронинг, тасаввуф аҳлининг улуғ султони Баҳоуддин Нақшбандининг Ватанидир.

Бу қутлуғ заминнинг ҳар бир қаричи бир пири комилни, бир азиз-авлиёни бағрига босиб ётибди. Ва улар мана шу заминда яратган тариқатлар, илму ҳикмат жавоҳирлари бутун мусулмон оламига маърифат ёғдусини таратиб келмоқда.

Мана шундай ўтмишга ва мўътабар мавқега эга бўлган бу қутлуғ заминда содир этилган аянчли фожиалар ашаддий хусуматчи қавмнинг мудом туғён қилиши, қасдланиб халқимиздан ўч олишидан бошқа ҳеч нарса эмас. Чунки ўз вақтида улар исломни восита қилиб, бу халқни ўз ортимиздан эргаштириб кетамиз, деб ўйлаган эди. Аммо бунга муваффақ бўла олмади.

Шундан сўнг улар осойишта ҳаётимизга раҳна солишди, уйимизни бузиб ташламоқчи бўлишди, аммо портлатиш ва тажовузлар содир этиш билан ҳам тайинли бир нимага эриша олмади. Ахийри, ўзлари ҳеч қачон ўлмайдигандек, ҳаддидан ошиб, ўз қўлларида тутиб турган нодон ёшларни жаҳаннам қаърига тиқиб юборишди.

Тарихга бир назар ташланг, тинчлик устувор бўлган ҳеч бир замонда, мусулмон мусулмонга жиҳод қилганми? Жиҳод қиламан деб бир мўмин иккинчи бир мўминни, яна ўз биродарини асоссиз равишда ўлдирганми? Ҳеч бир замонда бу жабҳага аёл зоти жалб этилганми? Ва, аслида, бу жаҳолатнинг мўътабар динимизга нима алоқаси бор?

Бундай оғир қабоҳатлар нафақат жамиятни бўлиб ташлаш учун, балки одамларни исломдан бездириш, динлар ва миллатлар орасига ихтилоф солиш, мусулмонларни бошқа халқлар кўзига ёмон кўрсатиш учун қасддан содир этилади. Бундай нопок ҳаракатлар ортида хориждаги ғаниларимиздан, Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига олишни истаган ғаразли кучлардан молиявий ва мафкуравий мадад олаётган хиёнаткор кимсалар туриши ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Агар, диёримизда, мен Аллоҳ йўлида фидойилик кўрсатаман, деган ғайрат-шижоатли йигит-қиз бўлса, қани, айтинг-чи, ким уларнинг йўлини тўсади? Ва яна қаерда, бундай тилакни рўёбга чиқариш учун мана шундай меҳрибонлик ва шарт-шароит яратилган?

Ислом тарихи, ислом фалсафаси, тафсир ва фиқҳ илмига доир қанчадан-қанча ноёб ва бебаҳо қўлёзмалар мана шундай оташин ёшларнинг азму шижоати ва заҳматига мунтазир-ку? Уларни тадқиқ этиб, халқимизга етказишдан кўра хайрлироқ иш борми, ўзи?

Ҳазрат Мотуридий айтадики, Илм (Алийм) Парвардигорнинг сифатларидан бўлиб, агар бу сифат бирон-бир инсонда намоён бўлса (яъни, у чинакам фозилликка эришса), билингки, Аллоҳнинг сифати унга очилган бўлади.

Мана шундай улуғ мартабага эришган ва исломий маърифатга беқиёс таъсир кўрсатган ўлмас аждодларимизнинг юзлаб мумтоз асарлари ҳали халқимизнинг маънавий мулкига айланган эмас, уларни она тилимизга ўгириш ва нашр этишдан кўра дунё ва охират учун шарофатлироқ иш борми?

Олам бўйлаб кенг ёйилган нақшбандийлик, кубровийлик ва яссавийлик тариқатлари, уларнинг фалсафий тамойиллари, балоғату фасоҳатнинг умумий қоидалари ҳақида жилд-жилд тадқиқотлар яратиш мумкин, донишманд аждодларимиз яратган бу илм ва ҳикмат хазинаси неча асрдан буён ақлият, аҳлият ва ҳалолликни эъзозлаб, жамиятнинг маърифий такомил йўлини нурлантириб келмоқда.

Қўл ишда, кўнгил Аллоҳда бўлсин!

Орифлар айтадики, ҳаётнинг маъноси асли шундан иборат, кимки бу ҳикматга тўлиқ амал қилса, миллатига садоқатли бўлса, унинг икки дунёси обод бўлади.

Қуръони карим кишилик жамияти ҳаётига мунаввар-лик бағишлаган, тараққиёт эшикларини ланг очган неъмати илоҳийядир. Ундан қувват олиб, ҳикмат ва илму маърифатдан дўстларни баҳраманд этиш ҳам инсон умрига зийнат бағишлайди.

Қуръонни тушуниш кейинги минг йиллик тарихимизни, илмий ва маънавий меросимизни чуқур англамоқ сари йўл очади. Ёки бўлмаса, йўлсизларга йўл кўрсатган Расули акрамнинг замонлар оша яшаб келаётган муборак сиймосини, бу сиймога кўрк ва улуғлик бағишлаб турган олижаноб шахсиятини, ҳиммат ва шижоатини, бу зотнинг одам боласига бўлган чексиз меҳр-мурувватини бир кўз олдингизга қелтиринг ва шунга иқтидо қилинг, эргашинг.

Ҳазрати Али дейдики:

- Ё, Расулуллоҳ, сизнинг суннатингиз қайсидур?

Бунга жавобан Аллоҳнинг севимли ҳабиби, қаранг, қандай марҳамат қилади:

- Маърифат меним сармоямдур. Динимнинг асли ақлдур. Ишимнинг асоси муҳаббатдур, муҳаббатсиз ҳеч иш вужудга келмас. Қуролим илмдур, илмсиз амални Худо қабул қилмас. Сабр меним либосимдур, сабрсиз имон камолга етмас...

Дарҳақиқат, дунё меҳнат, илму ҳикмат ва муҳаббат билан ободдир. Миллатига муҳаббатли, илмли ва тадбирли инсоннинг толеи баланд бўлади, чунки улуғ ҳимматлар йўлида у мудом собит ва пешқадамдир.

Кимда-ким ортда қолса, табиийки, оти ўзган чавандозга эргашади.

Доим шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай.

Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Ҳеч бир замонда кўрган билан кўрмаган, билган билан билмаган, тадбирли билан тадбирсиз тенг бўлган эмас.

Ҳаёт эса, ўтаверади, у абадийдир.

Кечагина атак-чечак қадам ташлаган гўдак бугун балоғат ёшига етиб, ҳаётдан ўз ўрнини қидира бошлайди. У чавандоз янглиғ от суриб майдонга чиқишидан аввал, она-Ватани, мўътабар дини ва кишилик жамияти тарихини қунт билан ўрганмоғи, ота-боболари ўз динига ва жаҳоний илмларга қандай амал қилганини теран англаб етмоғи лозим. У яна дунёни ҳаракатга келтирувчи жараёнлар табиатини, тараққиёт қонунини албатта билиши ва ўзига йўл очиши даркор.

Бу — мураккаб, бироқ ғоятда зарур, ақлга мувофиқ ишдир. Чунки оламдаги ҳар бир мавжудот, азим чинорлар ҳам, бойчечаклар ҳам, ҳатто биз ортиқча эътибор қилмайдиган оддийгина гиёҳлар ҳам озиқланиш туфайли униб-ўсади.

Ҳаёт нафасини туйиш, қуёш нурларини эмиш ва бу ёруғ оламга бир лаҳза чирой бағишлаш учун тошлолалар тошни ёриб чиқади...

Бугун рўй берган, фикр-хаёлимизни банд этган воқеа-ҳодисалар ўтмишда ҳам қандайдир шаклда содир бўлган, ўтган ота-боболаримиз унга тўқнаш келган ва муайян сабоқ ва хулосалар чиқарган.

Аждодлар йўлида собит бўлиш улар билиб-билмай йўл қўйган хатоликлардан кишини асрайди, тажриба орқали ҳақиқатни билиб олиш ва улғайишга мустаҳкам замин яратади.

Муҳими, умрни елга совурмай, мумтоз халқимизга, замонамизга муносиб бўлиб яшашдир. Бунда эса, ҳаётнинг паст-баландини билиб, унинг ботиний курашларини идрок этиш ғоят муҳимдир.

Дунёнинг сиру синоатларини англаб етишда эса, ўтмишдан яқинроқ дўст топилмайди.

Тарихий хотира шу.

Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, **тарихий хотирасиз келажак йўқ.**

Huquqiy uyg`unlik

Муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин тутади. Уни янада такомиллаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг Адабий-бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Олий Мажлиснинг 2004 йил 27 августдаги қарорига биноан мамлакатимиз Берн конвенциясига аъзо бўлди. Ушбу Конвенция қоидалари жорий йилнинг 19 апрелидан юртимизда амал қила бошлади. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир ЖЎРАЕВ билан суҳбатимиз ҳам шу хусусида кечди.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАР

— Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро шартномалардандир, — дейди Ўткир Жўраев. — Конвенцияда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган объектлар, асарлар белгиланган. Уларни яратиш ва улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари билан тартибга солинади.

Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, у аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади. Конвенцияни қўллашда универсаллик, автоматик ҳимоя, миллий тартиб-тамойилларига амал қилинади.

Бунда, аввало, асарларнинг муҳофаза қилиш муддати тугамаган бўлса, улар Конвенцияга аъзо бўлиб кирган давлат ҳудудида муҳофазага олинади. Конвенциянинг аъзоси бўлиб қўшилган давлатда бошқа давлатлар муаллифларининг ҳали муҳофаза муддати тугамаган асарлари ҳеч бир расмий ҳужжатларсиз муҳофаза қилинади. Конвенциянинг аъзоси бўлган ҳар бир давлат мажбуриятлар бўйича тенг ҳисобланади ва ўз муаллифларига ҳуқуқий имконият ёки имтиёзлар берган бўлса, Конвенциянинг аъзоси бўлган бошқа давлатлар муаллифларига ҳам шундай имконият беради.

— Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқига оид масалаларнинг аҳволи ва Ўзбекистон мазкур Конвенцияга қўшилишининг аҳамияти хусусида сўзлаб берсангиз.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлашга оид улкан ишлар амалга оширилди. 1996 йилда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонун бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига дахлдор идоралар, асарлар яратиш ва уни турли кўринишда тарқатиш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар бу борадаги ишлар ривожида муҳим омил бўлаётир. **«Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»**ги, **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги, **«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги, **«Ноширлик фаолияти тўғрисида»**ги, **«Реклама тўғрисида»**ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизнинг Берн конвенциясига қўшилиши бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтириб, муаллифларимиз ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларига катта имкониятлар яратади. Эндиликда муаллифларимиз асарларидан Берн конвенциясига аъзо бўлган 158 давлат ҳудудида фақат рухсат билан фойдаланилади. Бунинг эвазига уларга тегишли миқдорда муаллифлик ҳақлари ундириб берилади. Бундан ташқари, миллий асарлар яратиш ҳажми кенгаяди, асарларимизнинг дунё бўйича тарқалиши тезлашади. Жаҳон маданиятида муаллифларимизнинг ўрни ва ҳиссаси янада ортади.

Юртимиздаги қайси субъект хорижий муаллифлар асарларидан қонуний фойдаланса, ўша муаллифга тегишли муаллифлик ҳақи тўлайди. Бу жараёнда ўрнатилган тартибда даромад солиғи ва тушумлар ундирилиши туфайли давлатимиз хазинасига қўшимча маблағ тушади.

Шу пайтга қадар Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян мамлакатлар билан икки томонлама тартибда ҳамкорлик қилиб келаётган эди. Берн конвенциясига қўшилиши туфайли эса мазкур йўналишда кўп томонлама шартномалар тузиш имкониятига эга бўлди.

— Берн конвенциясининг муаллифлик ҳуқуқи ва адабий-бадиий асарлар ҳимоясига оид энг муҳим жиҳатлари нимада?

— Конвенцияда бадиий ва адабий асарлар, жумладан, санъат асарлари, публицистик асарлар, фотография ва ҳатто интервьюларнинг муҳофаза қилиниши алоҳида қоидалар билан белгилаб қўйилган. Хусусан, муҳофаза мезонлари - муаллифнинг фуқаролиги ва яшаш манзили, асар чоп этилган жой, кинематография, архитектура ва бошқа бадиий асарларни муҳофазалаш, номулкий ҳуқуқлар — муаллифликни тан олишни талаб қилиш, ҳуқуқни бузадиган айрим ўзгаришлар ва бошқа ҳаракатларга эътироз билдириш, ҳимоя қилиш воситалари, муҳофаза қилиш муддати, асарлардан эркин фойдаланишнинг айрим ҳолатлари, мажбурий лицензиялар, контрафакт (бировнинг асарини қонунга хилоф равишда қайта бостириб, муаллифлик ҳуқуқини бузиш) нусхаларни ишлаб чиқариш, бу нусхаларни хатлаб қўйиш, асарларни намойиш қилишда, қайта намойиш этиш ва тарқатишда назорат қилишнинг энг асосий жиҳатлари каби муҳим қоидалар ўз аксини топган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, барча турдаги оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятида нафақат миллий қонунчиликка, балки ушбу конвенция талабларига ҳам риоя этишлари талаб этилади.

— Миллий қонунчилигимизнинг мазкур Конвенцияга мос хусусиятлари ва уни янада такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз.

— Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган қатор халқаро ташкилотлар — ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Фан, адабиёт, санъат, таълим ва бошқа соҳаларни тарғиб қилишда қатор халқаро шартномаларда ҳам иштирок этаётир.

Муаллифлар ва уларнинг меросхўрлари, нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамда турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳисобланган теле-радио ташкилотлари, ижрочи-санъаткорлар ва бошқа ижодий меҳнат билан шуғулланувчиларнинг тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган ва улар янада такомиллаштирилмоқда. Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини амалда самаралироқ таъминлаш мақсадида соҳадаги фаолиятни лицензиялаш тартиблари ва шартлари кўриб чиқиляпти. Соҳага оид қонунчиликни халқаро шартнома қоидаларига яқинлаштириш, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва унинг таъсирчан чораларини ишлаб чиқиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чора-тадбирларини белгилаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, муаллифлар ва ижрочилар ҳамда бошқа субъектлар ҳуқуқий ҳолатини аниқ белгилаш, Ўзбекистон кино-видео маҳсулотлари, санъат, маданият ва бадиий ижод соҳаси инвентаризациясини ўтказиш, хорижий теле-радио ва фонограмма ишлаб чиқарувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий ҳуқуқ эгаларининг асарларини лицензиялаштириш ва маҳсулотларни қонуний асосда эфирга узатишни таъминлаш, аудио-видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, сотиш, ижарага бериш ва бошқа усуллар билан тарғиб қилишда ҳам ҳуқуқ эгалари билан шартномавий муносабатларга киришишни йўлга қўйиш лозим.

Хорижий асарларни муаллиф рухсати билан таржима қилиш, чоп этиш, оммавий ижрочилик жойлари (концерт заллари, ресторан, дискотека, бар ва бошқа жойлар)да мусиқий асарлардан қонуний фойдаланишни йўлга қўйиш, уни доимо назорат қилиб бориш, муаллифларимиз ва асарлар ҳақида маълумотлар базасини яратиш зарур. Муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқбузарликка қарши курашишни кучайтириш мақсадида Жиноят, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги, Солиқ ва Божхона кодекси каби қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, муаллифлик ҳимояси билан шуғулланадиган ҳуқуқшунос ва бошқа алоқадор мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш, Берн конвенцияси қай даражада бажарилаётгани мониторингини олиб бориш керак.

Демак, Берн конвенциясига қўшилишимиз муносабати билан амалга оширишимиз зарур бўлган анча-мунча ишлар бор. Уларни бажариш фақат соҳа мутахассисларигагина боғлиқ эмас, балки унга дахлдор бўлган барча ташкилотлар ва ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди

Nadomat

МИСИ ЧИҚҚАН "ОШИҚ"

СУД ОЧЕРКИ

I.ЁЛҒОНЧИ ЁР

Тақдир тақозоси билан ота-она ажрашиб кетгач, эндигина балоғат ёшига қадам қўйган Севара отаси қўлида қолди. Шундан сўнг орадан кўп ётмай Ражаб ака уйланган бўлса-да, ўгай онани уйга олиб келишга шошилмади, қизимнинг кўнгли ўксимасин, дея атай шундай йўл тутди.

Орадан бир ярим йил ўтгач, Севара тиббиёт коллежини битириш арафасида отаси ўгай онасини уйга олиб келди. Бироқ худди кутилганидек, Севара билан ўгай она ўртасидаги муносабат ҳадеганда илиб кетмади. Устига-устак, ўгай она ҳам ўзига яраша «тилли-жағлик» экан. Бу оилага келганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлганига қарамай ўзини азалдан шу ерда яшаб юргандек тутар, Севарани кўз очиргани қўймасди.

Севара дамини ичига ютиб яшашга уринар, уйда имкон қадар ўгай онанинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиларди. Унинг ўзига қолса, нақ ғурбатнинг уясига айланган бу уйда бир дақиқа ҳам қолмасди. Бироқ жонига унинг жонига ора кирадиган на бирор-бир қариндоши ва на яқин дугонаси йўқ эди.

Ана шундай кунлардан бирида унинг ҳамширалик дипломини олиши оиладаги келишмовчиликларга хиёл барҳам бергандай бўлди. Онабола ўртасига ҳадеб тушавериб эси кетган Ражаб ака қизини шифохонага тунги навбатчи ҳамшираликка ишга жойлаштириб қўйди.

Энди Севара иш билан овуниб, уйдаги майда-чуйда гап-сўзларга унчалик эътибор бермасди. Ўгай она ҳам рўзғор ташвишлари билан бўлиб, оила бироз тинч тортди. Бироқ ҳамма бало Севара ҳамшира сифатида иш бошлаганидан сўнг рўй берди...

Бирорта бадавлат оиланинг қизини тузоғимга илинтираман, деб беморларни ўзича «ғалвир»дан ўтказиб юрган Тоҳир аллақандай ғамгин қиёфадаги янги ҳамширани кўрди-ю, нияти ушалганлигини англади. Айниқса, Севаранинг бўйнидаги шодашода тақинчоқлари уни баттар шошириб қўйди. Унинг бадавлат отаси тўғрисидаги «маълумотлар» ҳам тасдиқланди. Энди фақат усталик билан «иш»га киришиш лозим эди.

Тоҳир қизни тузоғига илинтириш ниятида ўта устомонлик билан ҳаракат қилишга тушди. Ўша кун тунги навбатчилик пайтида Севаранинг ортидан соядек эргашиб юрди. Ширин-ширин гаплар билан унинг кўнглини овлашга уринди. Ўзини олижаноб, қўлидан ҳар қандай иш келадиган уддабурон қилиб кўрсатди. Гап орасида эса ўтган ҳаётидан, бошига тушган мусибатдан ёзғирди, ўзини бечараҳол қиёфага солиб кўрсатиб, қизнинг кўнглида раҳм-шафқат уйғотишга уринди.

Аслини айтганда, Севара ҳам ана шундай таскин-тасалли, меҳр-оқибатга муҳтож эди. Чунки унинг нозик кўнглини уйдаги адоқсиз тортишувлар, ўгай онанинг аччиқ-аччиқ гап-сўзлари буткул зада қилиб ташлаганди. Энг ёмони, у кейинги кунларда ўгай онаси қаторида отасидан ҳам кўнгли совуб бошлаган, бу дунёда ўзини ёлғиз-нотавон бир кимсадек ҳис этарди. Унинг ҳаёти ана шундай абгор бўлиб ётган пайтда Тоҳир меҳрибон бир киши қиёфасида кириб келдики, охир-оқибатда бу танишув кутилмаган фожеа билан якун топди.

Ўша кунлари Севара 4-хонадаги беморга қаттиқ ўрганиб қолган, турса ҳам, ўтирса ҳам хаёлидан унинг қиёфаси нари кетмасди. У табиатан анча содда, ишонувчан қиз эди. Шу боис ҳам у Тоҳир билан ўзаро муносабатларида бирон-бир ёмонлик аломатини сезмас, аксинча, шундай яхши таниши борлигидан ич-ичидан қувониб қўярди.

Шундай кунларнинг бирида Тоҳир ўта эҳтиёткорлик билан Севарага кўнгли борлигини айтди. Йўқ, аввалига у оиласидан, хусусан, хотини ғуруру шаънини ерга уриб, хиёнат қилганини шундай жабрдийда оҳангда гапириб бердики, беихтиёр Севарнинг кўзига ёш келди.

(Давоми тўртинчи бетда)

МЕРОС МУЛКИ

У ҚАНДАЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ?

Huquqiy savodxonlik sari

Қонунчиликда белгиланган тартибга кўра, мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрлар, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради. Фуқаролар ва ташкилотларнинг хабарлари, шунингдек, бошқа нотариал идоралар давлат нотариуслари ва нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)нинг топшириқлари, аризаларни ҳисобга олиш ва мерос мулкини қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш китобида рўйхатга олинади.

Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи, агар бу жой номаълум бўлса, унинг мулки ёки бу мулкнинг асосий қисми турган жой меросининг очилиш жойи, деб топилади.

Мерос очилгани тўғрисидаги хабарни олган нотариус турар жойи ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларни бу ҳақда хабардор қилишга мажбурдир. Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан меросхўрларни чақиртириши мумкин. Нотариус мерос мол-мулкни қўриқлаш мақсадида уни хатлайди ва меросхўрларга ёки бошқа шахсларга сақлаш учун топширади.

Мерос мол-мулкини хатлаш унда қатнашиш истагини билдирган манфаатдор шахслар ва камида икки нафар холис гувоҳ иштирокида амалга оширилади.

Хатлаш далолатномасининг бир нусхаси мерос ишига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси тилхат орқали мерос мол-мулкини сақлашга қабул қилган сақловчи, мерос бошқарувчи ёки бошқа шахсга берилади, учинчи нусхаси эса мерос ишига тиркаб қўйилиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга меросхўрга берилади.

Мерос мол-мулкни қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш борасида содир этилган нотариал ҳаракатлар, нотариал ҳаракатлар ёзиладиган реестрга навбатдаги рақам остида рўйхатдан ўтказилади ва бу нотариал ҳаракатни содир этганлик учун давлат божи ундирилади.

Мерос мол-мулкини қўриқлаш қонунда белгилаб қўйилган тартибда барча меросхўрларга меросхўрлик ҳақида гувоҳномалар берилгунга қадар давом этади.

Давлат нотариал идораси мерос мулкини қўриқлаш юзасидан чора-тадбирлар тўхтатилиши тўғрисида меросхўрларни олдиндан хабардор қилишга, агар мол-мулк ворислик ҳуқуқи асосида давлатга ўтадиган бўлган тақдирда, тегишли давлат идорасини хабардор қилишга мажбурдир.

Мерос очилган жойдаги давлат нотариал идоралари Фуқаролик кодексининг 1131, 1156-моддасига мувофиқ мерос очилган кундан бошлаб олти ой мобайнида мерос берувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма тарзда баён этилиши ва давлат нотариуси томонидан тегишли талабларнинг келиб тушиши муддатидан қатъи назар, қабул қилиниши лозим. Давлат нотариуси тушган даъволар ҳақида меросхўрларни хабардор қилади.

М. НЕЪМАТОВА

FHDYO hayotidan

ВАТАННИНГ ЖАЖЖИ СУРАТЛАРИ

Таъбир жоиз бўлса, оилани ватаннинг жажжи суратига қиёслаш мумкин. Зотан, ҳар бир оила ватаннинг мўъжаз бўлаги ҳисобланади. Оила мустаҳкам ва тотув бўлса, юртда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради. Оиланинг тотувлиги эса, шубҳасиз, никоҳланувчиларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлиги ва уларнинг ҳар жиҳатдан соғломлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизда бу борада жиддий ислоҳотлар амалга оширмоқда. Мисол учун, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Китоб тумани ФҲДЁ бўлимида 370 та никоҳ қайд этилган бўлса, никоҳланувчи ҳар бир йигит-қиз "Оила ва никоҳ" марказида ўз ихтиёрлари билан машғулотларда иштирок этгани ва тиббий кўрикдан ўтганини таъкидлаш жоиз.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳар бир оила ўзининг ички бошқарув тизимига эга. Бироқ шарқона оила ҳаётини ўзаро меҳр-оқибат асосига қурилган маҳалласиз тасаввур қилиш қийин. Ҳолбуки, маҳалла фаолларининг деярли ҳар бир оила муаммоларини беминнат бартараф этишда хизмати беқиёс. Айниқса, туманнинг "Паландара", "Пахтаобод", "Сиваз" қишлоқ фуқаролар йиғинларида кайвонийлик, адлу инсоф, қонунийлик доирасида ташкил этилган шароит ва режа асосида тадбирлар ибрати мақтовга арзигулик. Шунингдек, Китоб шаҳридаги "Чармгар", Али Қушчи, "Гулистон", "Халқлар дўстлиги" маҳаллаларидаги оилалар бошқарувига эътибор ҳам фақат яхши самара бермоқда.

Яқинда маҳалла хотин-қизлари маслаҳатчилари ўртасида "Мен ҳаётда кимман" шиори остида ташкил этилган семинар-тренинг улар меҳнатига эътиборни янада кучайтирди. Шунингдек, туман маданият уйида ёш келин-куёвлар иштирокида бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб, ярим асрдан кўпроқ оила қуриб, табаррук хонадон соҳибига айланган отахон ва онахонлар билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ёрқин таассурот қолдирди. Учрашув сўнгида қариялар дуога қўл очди: илоё, тинчлик-осойишталик абадий бўлсин! Муқаддас оила қўрғонига ҳеч қачон дарз кетмасин!

Сарвиноз АБДУЛЛАЕВА,
Китоб тумани

Muammo va yechim

Чироқчи туманидаги "Чияли" ширкат хўжалигида яшовчи фуқаролар шикоят хат йўллашиб, аҳоли хонадонларига ва хусусий тадбиркорлик объектларига берилаётган электр таъминотида узилишлар рўй бераётгани, яъни таъминотчилар томонидан истеъмолчилар ҳуқуқи етарлича эътиборга олинмаётгани баён этилган эди. Биз масалани ўрганиш учун Чироқчи тумани ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари А.Бозоровга мурожаат қилдик. У бу ҳолни аҳолининг энергия таъминотчиларидан қарзи кўплиги билан изоҳлади. Шундан сўнг бу масала бўйича туман электр тармоқлари идорасининг бошлиғи Рашид Маҳмадўстовга учрашдик. У ҳам "Чияли" ширкат хўжалигининг 16 миллион, аҳолининг эса 34 миллион сўмдан зиёдроқ қарзи борлигини маълум қилди. Унинг айтишича, "Чияли" энг йирик хўжаликлардан бири бўлиб, кўплаб ҳунармандлар электр қувватидан фойдаланади. Қиш пайтлари ва совуқ кунларида иситгичлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш натижасида электр тақчиллиги кучаяди. Бироқ кунлар исиши билан таъминот яхшиланади...

Шикоят хати ёзганлардан бири — 1-гуруҳ ногирони Диёр бобо Маҳмарасуловга учрашдик.

"ҚАРС" ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

— Бу йил қиш анча чўзилиб кетди. Қишлоғимиз газлашмаган. Шу сабабли электр таъминотига эҳтиёж катта. Электр таъминотида узилиш бўлса, таъбинг хира бўлади. Лекин таъминотни меъёрга солиш мумкин деб, ўйлайман. Энди қарздорлик масаласига келсак, мен ўзим болаларимга, ҳамкишлоқларимга ҳам электр ҳақини вақтида тўлаб қўйиш кераклиги ҳақида кўп айтганман. Ахир, ундан тушган маблағнинг бир қисми ўзимизга қайтиб келаяпти. Очиғи, кунлар исиши билан таъминот анча яхшиланди. Биз асосан қудуқлардан насос орқали сув ичамиз. Электр йўқлиги сабабли қудуқлар ишламай қолса, сувсиз қолдик, деяверинг. Шунинг учун электр таъминотини қатъий тартибга солиш керак, — деди Диёр бобо.

Рашид ака Диёр бобонинг сўзларини тўлиқ маъқуллади. Шундан сўнг шикоятга имзо чеккан Б.Рўзиев, Р.Абиров, Х.Аллоқовга учрашиб, уларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларини эшитдик. Улар ҳам электрдан тежаб-тергаб фойдаланиш, электр таъминотини қатъий тартибга солиш лозимлигини таъкидлашди. Шунингдек, улар таъминотчи идора ҳар бир хонадон эгалари билан алоҳида шартнома тузиб чиқса ва шартнома асосида қайси томон айбдор бўлса, қонун олдида жавоб берса бўлмайдими, деган мулоҳазаларни билдиришди.

— Бундай шартномалар юридик шахслар билан ҳам, хонадон эгалари билан ҳам тузилган. Лекин уларнинг тегишли бандларига ҳар доим ҳам амал қилинмаяпти — дейди бунга жавобан Рашид Маҳмадўстов.

Шундан сўнг Чироқчи электр тармоқлари идораси бориб, юридик шахслар билан энергия таъминотчиси ўртасида тузилган шартномаларни кўздан кечирдик. Улар тарафларнинг манфаатларини кўзлаб қонуний тузилганига, агар амал қилинса, иккала томон учун ҳам фойдали бўлишига амин бўлдик.

Фикримизча, бундай шартномалар электрдан фойдаланадиган ҳар бир хонадон соҳиблари билан ўз розилиги билан тузилса ва уларга иккала томон ҳам жиддий ёндашса, ҳеч қандай шикоятга ўрин қолмайди.

Тақсимот ва таъминотдаги мавжуд муаммоларни қандай ҳал этиш ҳақида Шаҳрисабз электр тармоқлари идорасининг етакчи мутахассиси Раҳмон Холбозоровга берган саволимизга шундай жавоб олдик:

— Аввало, аҳоли электр энергиясидан тўғри фойдаланиш ҳақида кенг тушунчага эга бўлиши лозим. Бошқача айтганда, қўлбола иситгичлар, токдан ноқонуний фойдаланиш ёки ўғирликларни қатъий бартараф этиш учун ўзўзини бошқариш идоралари ва маҳалла фаоллари ёрдамига жуда муҳтожмиз. Ахир, бирники мингга, мингники туманга деганларидай, биров қарзини тўламай электр ёқиб ўтирса ёки бошқаси электрдан ўғринча фойдаланса, ён қўшниси кўра била туриб, индамай қўйса, албатта, таъминотда тақчиллик юзага келади.

Дарҳақиқат, энергия таъминотчилари ҳам, истеъмолчилар ҳам айбни бирбирига тўнкамасдан зиммаларидаги бурч ва вазифаларини тўлиқ адо этишса, ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Зеро, "қарс икки қўлдан чиқади", деган пурмаъно сўзлар бекорга айтилмаган.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat anatomiyasi

УСТАСИ ФАРАНГ

у ҳатто машҳур «Бойлар ҳам йиғлайди» телесериали бош қаҳрамонларидан бири Вероника Кастрони ҳам чув туширган...

Сирасини айтганда, кейинги йилларда товламачилик, фириб бериб, одамларни алдаш ажабтовур "касб"лардан бирига айланиб қолди. Бугунги мақоламиз ҳам "ўз касбининг устаси сифатида" нафақат бирор маҳалла, шаҳар ёки мамлакат, балки бутун дунёга "машҳур" бўлган товламачи — Геннадий Аржаник ҳақида. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, у бир пайтнинг ўзида ўзини Геннадий Аржаник, Генри Окнянский, Геннадий Вострецов, Генри Гринберг каби бир қатор исм-шарифлар билан таништириши мумкин. Қолаверса, ҳамиша унинг ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар юради. "Қаҳрамонимиз" машҳур "Терминатор" фильмида кичик бир эпизод ижро этган. Бу эса унинг голливудлик кино юлдузлари билан яқиндан танишиши ва улар билан ёнма-ён суратга тушиши учун имконият яратиб берган. Унинг шахсий архивида Стивен Спилберг, Оливер Стоун, Сильвестр Сталлоне, Вероника Кастро каби бутун дунё танийдиган ва тан оладиган машҳур кино юлдузлари билан турли ҳолатларда тушган фотосуратлар мавжуд. Гена кези келганда, бу суратлардан қойиллатиб фойдалана олади. У айрим пайтларда ўзини "циган барони", деб таништиришни ҳам хуш кўради. Энг қизиғи, Гена ҳеч қачон оддий одамларни тунамайди. Чўнтаккесарлик ва майда товламачиликни ўзига ор билади.

У ўз "фаолият"ини 1992 йилда бошлаган. Ўша йилларда Москва шаҳрида иш бошлаган "Фининторг" фирмаси жуда машҳур бўлиб кетади. Ўзини собиқ иттифоқнинг қаҳрамони, адмирал Василий Аржаникнинг ўғли сифатида таништирган "Фининторг" фирмасининг раҳбари Геннадий Аржаник йирик-йирик тадбиркорлар билан шартномалар туза бошлайди. Бу шартномаларда уммон орти мамлакатларидан арзон бнархда маҳсулот етказиб бериш қайд этиларди. Йирик тадбиркорларни "Фининторг" фирмаси атрофида айланиб қолишига сабаб, фирма раҳбари олиб келиниши керак бўлган маҳсулот қийматининг бор-йўғи 20 фоизи миқдоридаги пулни олдиндан оларди. Шартномада қолган пул маҳсулот олиб келиниб, сотилгач, тўланиши қайд этилганди. Албатта, бундай шартга ҳар қандай тадбиркор "жон-жон", деб рози бўларди. У фирма раҳбари бўлган пайтларда "Лимузин"да юрар, Москванинг энг қиммат ва шоҳона ресторанларида овқатланарди. Геннадий одатда шартномаларни ҳам ана шундай ресторанларда ўтириб тузарди. Шартнома тузиш учун келган тадбиркорларни оғиз-бурнидан чиққунча меҳмон қиларди.

У биргина Краснодар вилоятидаги "С-Трейд" савдо маркази бош директори Анатолий Струков билан ўн беш миллион долларлик шартнома имзолайди. Анатолий "Фининторг"нинг ҳисоб рақамига ҳеч иккиланмасдан уч миллион доллар ўтказиб беради. Чунки Геннадий уни бир ҳафта давомида шунчалик "сийлайди"ки, шеригининг қўли очиқ ва тантилигини кўрган бош директор унинг барча гапларига ишонмасликни иложини топа олмайди.

Хуллас, ўзига етарли маблағни йиғиб олган Геннадий Аржаник бемалол кўч-кўронини орқалаб, "қайдасан Америка", деб жўнаб қолади. Ана шундан сўнггина чув тушган тадбиркорлар ички ишлар идораларига мурожаат қила бошлашади. Москвалик изқуварлар Геннадий Аржаникни "Интерпол" билан ҳамкорликда дунёнинг 197 мамлакатидан роппароса 10 йил қидиради. Лекин ҳеч қаердан унинг дараги чиқмайди. Фақат 2002 йилда кутилмаганда у яна Москвада пайдо бўлиб қолади. Фақат у энди Геннадий Аржаник эмас, балки Генри Гринберг исм-шарифли кимса эди. Унинг ҳамроҳи эса машҳур кинопродюссер Жон Дейли эди.

Товламачининг шаҳарда пайдо бўлганидан хабар топган шаҳар ички ишлар бўлими тезкор ходимлари уни шоҳона меҳмонхоналардан бирида қўлга олишади. Геннадий ўзининг ҳужжатлари ва Голливуд кино юлдузлари билан тушган фотосуратларини милиция ходимларига берар экан, "Мен Генри Гринбергман. Сизлар менинг ҳақ-ҳуқуқимни паймол қилганларингиз учун жавоб берасизлар", дейди. Кейин "жабрдийда" ўзи бир пайтлар "чув" тушириб кетган кишилар билан юзлаштирилади. Айниқса, Краснодар савдо маркази бош директори Анатолий Струков билан юзлаштириш жараёни жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлади. Чунки Анатолий милиция ходимларидан ўзини ҳам Геннадий билан бир камерага қамашни талаб қилиб туриб олади.

Албатта, бунга рухсат берилмайди. Лекин кўпчиликни ҳайрон қолдирган томони шундаки, товламачи кутилмаганда қамоқдан ғойиб бўлади.

Ўзбек кино ихлосмандларига "Бойлар ҳам йиғлайди" телесериали орқали яхши таниш бўлган Вероника Кастро "қаҳрамонимиз" ҳақида шундай ҳикоя қилади:

– Мен Генри Гринберг билан тасодифан танишиб қолдим. Бу ёқимтойгина йигит аввалига бирга суратга тушишни таклиф қилди. Кейин ўзини Голливуд продюссери, деб таништирди. Янги телесериални суратга олиш арафасида экани, бош ролга мени мўлжаллашаётгани ҳақида ҳам гапирди. Гап орасида у ролни ижро этсам, катта маблағни эгаси бўлишимни ҳам қистириб ўтди. Хуллас, мен унинг ҳамма гапларига ишондим. У ўзини худди ҳозир танишган одамдек эмас, аксинча, узоқ йиллик қадрдонлардек тутарди. Биз-нинг суҳбатимизга яқин дугонам келиб қўшилди. Унинг қўлида кўриниши илоннусха, жуда ҳам чиройли ва қимматбаҳо узук бор эди. Генри аввалига узукни "бир кўраман", деб олди. Кейин аллақайси таниши худди шундай узук қидириб юрганини, агар дугонам сотса, оғзига сиққанча пул беришини айтди. Қисқаси, уни кўндириб, пулини эртага бериш шарти билан узукни олиб кетди. Орадан бир неча кун ўтиб дугонам телефон қилиб, мендан Генрининг телефони ва уй манзилини сўради. Буни қарангки, на мен ва на дугонам унинг қаерда яшашини билмас эканмиз. Шундай қилиб мен ўзи йўқ телесериалнинг бош ролидан, дугонам эса қимматбаҳо тақинчоғидан жудо бўлдик...

Бундан ҳам қизиқ томони шундаки, шунча шов-шувларга қарамай Геннадий Аржаник яқинда ҳеч нарса кўрмагандек яна Москвага қайтиб келди. Унинг Москвадаги биринчи "иш"и автосалондан бошланди. Бу ҳақда автосалон эгаларидан бири Пётр Паншин шундай ҳикоя қилади:

– У ўзини Марк, деб таништирди. Автосалонимизга бир неча хорижлик мижозларни ҳам бошлаб келди. Сўнгги гал эса ёлғиз ўзи келиб, энг қимматбаҳо машинани танлади. Сотиб олишдан аввал машинани ҳайдаб кўрмоқчи эканини айтди. Албатта, мижознинг бунга юз фоиз ҳақи бор. Шунинг учун ҳам биз унга машина калитини қўшқўллаб тутқаздик. Ёнига менежеримиз ҳам ўтирди. Марк аввалига шаҳар кўчаларида машинани ҳайдаб кўрган. Менежеримизга машина ёққанини ва уни албатта, сотиб олишини айтган. Кейин янги харидини "ювиш"ни таклиф қилган. Менежер ҳам шундай бойвачча мижозни кўнглини қолдирмаслик учун у билан бир чашка қаҳва ичишга рози бўлган. Менежер қаҳвани ичиб бўлгунча Марк ҳам, машина ҳам ғойиб бўлган. Кейинчалик биз бу сохта харидор ҳеч қанақа Марк эмас, балки Геннадий Аржаник эканлигини аниқладик. Лекин на уни ва на машинани топиб бўлмади. Шу кунгача барча қидирув ишлари зое кетаяпти.

Милиция Аржаникни тутишидан умидини узган автосалон эгалари ўзларига хусусий изқувар ёллашди. Изқувар чақ-қонгина экан. У тезда Геннадийнинг изига тушди. Ҳатто автосалон эгалари билан биргаликда товламачини тутиб, Краснопресненский тумани ички ишлар бўлимига топширишди. Буни қарангки, бу гал ҳам орадан уч кун ўтмай "қаҳрамонимиз" ғойиб бўлди. Ички ишлар бўлими вакилининг тушунтиришича, Геннадий Аржаникни айблаш учун етарли асослар топилмабди. Шунинг учун ҳам уни қўйиб юборишга мажбур бўлишибди.

Ушбу мақолани тайёрлаган хорижлик ҳамкасбимиз Марина Алексеевانинг таъкидлашича, Геннадий Аржаник ҳеч қачон бир ўзи ҳаракат қилмаган. Кимдир уни қўллаб туради. Йўқса, у бир эмас, икки марта милициянинг қўлидан қутулиб кетолмасди. Қолаверса, у бугун ҳам бемалол ўз "фаолият"ини давом эттирмоқда. Ана шундан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳамкасбимизнинг фикрида жон бор шекилли.

Саида ИНОҒОМОВА,
Мухлиса ПАТТАЕВА
тайёрлади

Luqma

Ички бозорларимизни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, экспортни кенгайтириш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бозорларимизнинг рақобатбардош маҳсулотлар билан бойиётгани, янгидан-янги дўконлар очилиб, шаҳарларимиз кўчаларига кўрк бағишлаётгани, шунга яраша омманинг диди ва савияси ҳам ўсиб бораётгани бунинг исботи. Шу билан бирга кўча-кўйда тижоратнинг айрим ноанъанавий усуллари ҳам учраб турадики, улар кўнгилда бироз нохушлик уйғотмай қолмайди.

БИЗГА ЯРАШАДИМИ?..

Бу ўринда гап эски, янаям тўғрироғи, бироз кийилган чет эл кийим-кечакларини сотишга мўлжалланган баъзи дўконлар хусусида бормоқда. Бундай дўконларда хориждан келтирилган оҳори тўкилган импорт маҳсулотлар сотилади. Бундай дўконга мижозлар ҳойнаҳой чет элдан келса керак, деб ўйласангиз, қаттиқ янглишасиз. Чунки четдан келтирилган эски-туски кийим-кечаклар билан тўла дўконнинг мижозлари юртдошларимиз.

Албатта, бу билан инсон эҳтиёжларини чеклаш ва уни муайян қолип-андозага солиш керак, деган фикрни билдиришдан йироқмиз. Чунки инсон эҳтиёжлари турли-туман ва у доимо ўсиб-кенгайиб боради. Аммо ҳар қандай эҳтиёж ҳам қадр-қиммат, маънавият, шаън, миллат ва Ватан туйғулари билан ҳамоҳанг тарзда шаклланиши лозим. Шу маънода бойлик орттириш мақсадида бу ишларни амалга оширишаётган айрим уддабуронларнинг "тадбиркорлиги" миллий қадриятларимизга қанчалик мос келади?

Қолаверса, олимларнинг фикрича, ҳар қандай кийимга уни кийган одамнинг феъл-атвори ва руҳияти сингиб қолар экан. Бу фикр моҳиятан қанчалик даражада ҳақиқатга яқинлигини билмадиму аммо шарқона удумга кўра, эски кийимлар фақат яқин қариндошлар ёки бева-бечораларга ҳадя сифатида инъом этилишидан хабарим бор. Тилга олинган дўконларни тўлдириб турган "импорт" кийимларни сотиб олаётганлар бу ҳақда ўйлаб кўришганмикан? Бу ҳақда Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Гулбаҳор САТТОРОВА

E`lon

Тошкент Давлат юридик институти қошидаги АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

2005–2006 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган иқтидорли ўқувчиларга қуйидаги йўналиш бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Ижтимоий-гуманитар (тарих, ҳуқуқ, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз, олмон, француз тиллари, информатика).

Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлига қадар қабул қилинади.

Маслаҳат гуруҳига қуйидаги ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан шахсан тақдим этилади:

- таълим муассасаси директори номига ариза;

- ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли маслаҳат гуруҳи вакилига шахсан кўрсатилади);

- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;

- доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;

- 3х4 ёки 4х6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;

- 9-синфни битирганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;

- касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис Марказининг тавсияномаси.

Манзил: 700195, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уй. Телефонлар: 135-67-41, 135-43-39.

Mitti maslahat

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИР САҚЛАНАДИМИ?

Ҳаётда етим ва қаровсиз қолган болаларни айрим оилалар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фарзандликка олиши учраб туради. Шунингдек, етим болалар фарзандга муҳтож оилаларга фарзанд қилиб берилади. Оила кодексининг 153-моддасида фарзандликка берилган болалар манфаатларини ҳимоя қилиниб, бу ҳолатнинг сир сақланиш кафолати белгилаб қўйилган. Бироқ ҳаётда фарзандликка олишни сир сақлаш масаласида баъзи муаммолар учраши мумкин. Масалан, халқ таълими муассасалари масъул ходимларининг фарзандликка бола олиш ҳақидаги айрим ҳужжатларни фуқароларнинг қўлларига бериши, улар расмийлаштириш учун бу ҳужжатларни тегишли ташкилотга ўзлари келтириши, баъзан бундай ҳужжатлар фуқароларда узоқ вақт сақланиб туриши, бегона кишиларнинг бу маълумотлардан воқиф бўлиши эҳтимоли юқорилиги каби салбий ҳолатлар учрайди.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг 125-моддасида фарзандликка олиш сирини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Аниқроқ айтганда, фарзандликка бола олувчи ёки васийлик ва ҳомийлик идорасининг эркига қарши етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан муҳофаза этиладиган сирини ошкор қилиш энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Агар бу ҳолат касб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандлика олишни сир сақлаш шарт бўлган шахс томонидан ғаразгўйлик ёки бошқа ниятда содир этилиб, оғир оқибатларга сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баробаридан 200 баробаригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Кўриниб турганидек, мамлакатимиз қонунчилигида инсон ҳуқуқи ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган.

Фарҳод АКБАРОВ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Буни кўриб Тоҳир ўқ нишонга бехато текканини англади ва фурсатни қўлдан бой бермай асосий муддаога ўтди. Агар Севара хўп деса, уйланишини, бир умр бошига кўтариб юришини айтди. Севара эса унинг илтижоли термулиб турганини кўриб, индамай бошини эгди. Бу — розилик аломати эди.

2.«КИЗИНГИЗНИНГ НАРХИ — 3000 ДОЛЛАР»

Аслини айтганда, Севара бир фирибгар усталик билан қўйган тўрга илиниб қолганини мутлақо хаёлига келтирмасди. Аксинча, ўша кунлари у ҳаётда узоқ пайтдан буён излаётган бахтини қутилмаганда топиб олган кимсадек бахтиёр эди...

Тоҳир шифохонадан чиққач ҳам улар учрашиб туришни канда қилишмади. Январ ойининг изғиринли кунларидан бирида Тоҳир уни кутилмаганда уйига таклиф этиб қолди.

— Биласиз, хотиним кетиб қолган. Уйда ёлғиз ўзимман, — деди у. — Уйни, овқатни жуда соғиндим. Уйга келиб бирор-бир овқат пишириб беролмайсизми?

Рости гап, Тоҳирнинг бу самимий илтимоси Севарага ёқиб тушди. Шу боис у дарров розилик билдирди:

— Бугун кечгача вақтим бемалол, айтган овқатингизни тайёрлаб бераман.

Кейин улар Тоҳирнинг 8-қаватдаги 3-хонали уйига йўл олишди. Ўша кун Севара овқатни алоҳида меҳр билан тайёрлади. Сўнг у ишга борадиган вақт бўлди, дея кетишга рухсат сўради. Тоҳир хотиржамлик билан унинг қўлига калитни тутқазди. Ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ Севара эшикдаги қулфлардан бирини очди. Бироқ қулфнинг иккинчиси ҳадеганда очилавермагач, унинг асаби қақшаб, жаҳл билан эшикни тортқилай бошлади. Шу пайт Тоҳир кутилмаганда унинг қўлидаги уяли телефонини тортиб олди-да, бошига зарб билан мушт туширди.

— Шовқин кўтарма..., — деди Тоҳир кўзларини ола-кула қилиб. — Нақд саккизинчи қаватдан пастга улоқтириб юбораман.

Севара Тоҳирнинг важоҳатини кўриб, қўрқувдан юраги ёрилиб кетай деди.

Наҳотки, у алданган бўлса?!. Кечаги ширин сўзу ваъдалари қани?.. Нега дабдурустдан бундай ўзгариб қолди? Унинг нияти нима ўзи?!

— Ҳеч қаёққа кетмайсан, бугун шу уйда қоласан,— деди Тоҳир таҳдидли овозда. — Ниятим нима эканини кейин айтаман. Ҳозир эса мени бир хурсанд қиласан...

Тоҳир қизни зўрлик билан тўшакка томон судради...

* * *

Севаранинг дарду дунёси қоронғу тортиб кетди. У ўзини нафақат алданган, балки ғуруру ори оёқости қилинини ҳис этар, юрак-бағри аламу адоватга тўлиб кетган эди. Кечагина энг самимий туйғулардан тўлиб-тошиб гапирган Тоҳирни кутилмаганда шундай ёвуз кимсага айланиб қолганига ўзини сира ишонтиролмасди.

Энди тақдири қандай кечади, уни яна қандай кўргуликлар кутаяпти, буни ёлғиз худодан бошқа ҳеч ким билмасди.

— Қочишга ёки бировдан ёрдам сўрашга уринсанг, ўлдираман, — деди. Тоҳир баттар таҳдид солган куйи. — Қачон рухсат берсам, шунда уйингга кетасан, укдингми? Бугундан бошлаб сен тутқундасан!

Афтидан, Тоҳир қизни фақат хўрлаш билан чекланиб қолмай яна аллақандай қабиҳ ниятни мўлжаллаб турган эди. Унинг нияти кўп ўтмай аён бўлди.

Гап шундаки, ўша кун у Севаранинг уйига, аниқроқ айтганда, унинг отасига қўнғироқ қилиб, «қизингиз ишончли жойда, фақат бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очманг», дея гўшакни қўйиб қўйди.

Эртаси кун кечқурун эса у яна Севаранинг отасига қўнғироқ қилди. Фақат бу гал мақсадини очиқ айтди: «3000 АКШ доллари эвазига Севарани қўлингизга соғ-саломат қайтараман», деди. Шунингдек, у бу ҳақда бирон-бир кимса хабар топгудек бўлса, қиздан умидни узаверишни уқтирди.

Одатда, Тоҳир эрталаб Севарани устида қулфлаб уйдан чиқиб кетар, аллақаерларда дайдиб юриб, ярим тунда маст-аласт ҳолда қайтарди. У бугун-эрта Севаранинг отаси айтган пулни кўтариб келишини кўзлари тўрт бўлиб кутарди.

Бироқ у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари, Севаранинг отаси хабар қилгач, аллақачон изига тушганидан бехабар эди.

Милиция ходимлари Тоҳир яшайдиган уйга келишганда, уй ичида бўлган Севара қўрқиб, эшикни очмаган. Эртасига эшикни бузиб очишганди, у ерда ҳеч кимни топишолмади.

Изига тушишганини сезган Тоҳир Севарани бир танишининг уйига олиб бориб яшириб қўйди.

МИСИ ЧИҚҚАН "ОШИҚ"

СУД ОЧЕРКИ

Nadomat

Бу вақтда милиция ходимлари яширин равишда Севара билан телефон орқали боғланишга муваффақ бўлишди. Кейин қизнинг ҳаётини хавф-хатарга қўймаслик учун кузатув давом эттирилди.

Ахийри, қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини сезди, шекилли, Тоҳир ўз жонини ўйлаб яширинмоқчи бўлганида, қўлга олинди.

Шундай қилиб, муқаддам икки марта судланган, одам ўғриси Тоҳир суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди.

3. САБОҚ

Нур борки, соя бор деганларидек, ҳаётда яхшилик билан ёмонлик ҳамиша ёнма-ён яшайди. Оиладаги нохушликлар, ота-онани фарзандига нисбатан эътиборсизлиги эндигина балоғат ёшига етган, ҳали ҳаётий тажрибаси йўқ, оқ-қорани яхши ажратолмайдиган, соддадил Севарани азоб-уқубатлар чекишга олиб келди.

Тўғрисини айтадиган бўлсак, баъзи одамлар Севара тутқунликда яшаётганидан хабардор бўлишган. Аммо бунга лоқайд қарашган.

Хулоса шуки, ҳаётда эзгулик барқарор бўлиши учун ҳамма бирдек курашиши, хайрли амалларни қўллаб-қувватлаши лозим.

Жаҳонгир РАЗЗОҚОВ,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙКУЛ
«Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Пўлат САМАТОВ, Ислом ҲАМРО, Мавжуда РАЖАБОВА, Холли НОРБОЙ, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6